

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ

МИРЗАЕВ ВАХОБИДДИН ШУХРАТОВИЧ

Ахлоқий меъёрлар ва уларнинг ёшлар тарбиясига таъсири

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

Илмий раҳбар: доцент Абдулла Шер

Тошкент – 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ		
1-БОБ.	АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ	
1.1.	Ахлоқий меъёрларнинг моҳияти	
1.2.	Машхур пандномаларда ахлоқий меъёрлар талқини	
2-БОБ.	АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАРНИНГ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДАГИ АҲАМИЯТИ	
2.1.	Маънавий таҳдидларга қарши курашишнинг устувор ахлоқий йўналишлари	
2.2.	Баркамол шахсни шакллантирувчи асосий ахлоқий меъёрлар	
ХУЛОСА		
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати		

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги воқелик халқимизнинг ахлоқий фазилатлари эркин ривожланиши учун ҳолисона асос яратади. Бироқ ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар ахлоқий меъёрлар ва ахлоқий тамойилларнинг ўз – ўзидан ўзгаришига олиб келади, деб бўлмайди. Шахснинг ахлоқий камол топиши ва ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш учун шарт – шароитлар яратиш юзасидан давлатнинг аниқ мақсадга йўналтирилган фаолияти талаб қилинади. Мамлакатимиз тараққиёт пиллапоясидан янги-янги чўққилар сари кадам кўяр экан, биз яшаётган замон суръатлари шиддат билан тезлашиб, олдимизда яна қанча муаммо ва машаққатлар пайдо бўлар экан, табиийки, маънавий ҳамда ахлоқий ҳаётимиз ҳам ана шу синовларда тобланиб, юксалиб, жамиятимиз, миллатимизнинг ёруғ ва соғлом келажагини ҳар қандай таҳдид ва тўфонлардан давр ўзгариши билан уларнинг кўриниши ва шакли ўзгаришига қарамасдан безавол сақлаш ва асраб қолишга қодир бўлиши даркор.

Бизга маълумки ахлоқий меъёрларнинг ўзаро ички боғлиқлиги хусусида Шарқ фалсафаси тарихида қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф, тасаввуф таълимоти, машҳур пандномалар каби кўплаб манба ва таълимотларда уларнинг мазмун моҳияти хусусида турли ҳил талқинларни учратиш мумкин. Масалага шу нуқтаи-назардан ёндашганда тадқиқотнинг долзарблигини куйидагилар орқали изоҳлаш мумкин:

- биринчидан, ахлоқий меъёрлар ижтимоий регулятив хусусиятга эга;
- иккинчидан, ахлоқий меъёрлар ўз феноменига кўра ихтиёрийлик касб этади, шу сабабдан демократик принципларга асосланган халқимизнинг фуқаролик онгини шакллантиришда ахлоқий меъёрлар функционал аҳамиятга эга;
- учинчидан, ахлоқий меъёрлар глобал таҳдидларга қарши курашишда муаммонинг назарий асосларини ёритишга кўмак беради;
- тўртинчидан, ахлоқий меъёрлар баркамол шахс тарбиясининг асосий мезони ҳисобланади.

Ишнинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур малакавий битирув иши Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети этика ва эстетика кафедрасида олиб борилаётган “Замонавий ахлоқшуносликнинг глобал муаммолари” мавзуидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари: Тадқиқотнинг мақсади - ахлоқий меъёрлар ва уларнинг ёшлар тарбиясига таъсирини ўрганиш ва бу борада тегишли хулосаларни тақдим этишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланган:

- ахлоқий меъёрларнинг тарихий асосларини илмий таҳлил қилиш ва лур ўртасидаги боғлиқ жиҳатларни аниқлаш;
- миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини таъминлашда ахлоқий меъёрларнинг ўрнини таҳлил қилиш;
- ахлоқий меъёрлар глобал маънавий таҳдидларга қарши курашишнинг муҳим шарти эканлигини асослаш;
- шахс тарбиясини такомиллаштиришда да ахлоқий меъёрларнинг ўзига хос ўрнини кўрсатиш;

Тадқиқот объекти: Ахлоқий меъёрлар ва уларнинг ёшлар тарбиясига таъсирини фалсафий жиҳатдан тадқиқ ва таҳлил этилиши.

Тадқиқот предмети: Ахлоқий меъёрлар мазмун-моҳияти, генезиси ҳамда уларнинг ёшлар ахлоқий онгини шакллантиришдаги роли.

Тадқиқот методлари. Малакавий битирув ишида илмий билишнинг объективлик, системалилик, анализ ва синтез, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик, тизимли ёндошув каби методларига таянилади.

Илмий янгилиги:

- ахлоқий меъёрларнинг тарихий ва замонавий талқинларини умумий ва фарқли жиҳатлари қиёсий таҳлил қилинди;
- ёшлар ахлоқий тарбиясини такомиллаштиришга доир амалий таклифлар ишлаб чиқилди;
- ахлоқий меъёрларнинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб уларнинг ёшлар тарбиясида тутган ўрни ҳақида тегишли хулосалар чиқарилди.

- Глобал маънавий таҳдидлар шароитида ахлоқий меъёрларнинг зарурий дидактик-тарбиявий ўрнига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишининг назарий аҳамияти унда илгари сурилган ғоялар, фикрлар ва чиқарилган илмий-назарий хулосалар халқ таълими муассасаларида “Одобнома”, олий таълим муассасаларида “Этика” каби инсоншунослик фанларининг мазкур муаммога оид бўлимларини қисман тўлдиради.

Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти инсон маънавий камолотида ахлоқий қадриятлар устуворлигини таъминлаш билан боғлиқ эришилган илмий натижалар ёшларни маънавий жихатдан тарбиялаш ишларига яқиндан кўмак берувчи жамоат бирлашмаларининг фаолиятларида самарали фойдаланиш мумкин.

Малакавий битирув ишининг тузилиши. Малакавий битирув иши “Кириш”, иккита боб, тўртта параграф, “Хулоса” ҳамда “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”дан иборат.

1-БОБ. АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

1.1. Ахлоқий меъёрларнинг моҳияти

Ахлоқий меъёрлар ахлоқий онгнинг ўзига хос структуравий элементи саналади. Улар ахлоқий тамойилларга нисбатан анча содда, умумлашмаган, тор камровли. Ахлоқий меъёрларни кундалик ҳаётимизда маълум ахлоқшунослик тушунчаларини ва ахлоқий тамойилларнинг амалга ошиш мурватлари ҳам дейиш мумкин, улар ахлоқий талабларнинг энг оддий, лекин кенг тарқалган шакли сифатида рўёбга чиқади. Ҳалоллик, ростгўйлик, ҳаёлилик, инсофлилик, хушмуомалалик, боодоблик, камтарлик сингари меъёрлар айниқса диққатга сазовор.

Умуман олганда ахлоқий меъёрлар ижтимоий тартибот жараёнида амалий аҳамият касб этади. Улар инсонни бошқа мавжудодлардан ажратиб турувчи, эзгу фазилатларни юзага чиқарувчи омиллар сифатида намоён бўлади.

Малакавий битирув ишимизда юқоридаги кўрсатилган ахлоқий меъёрларнинг айримларини илмий манбалардаги талқинини изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Булар орасида ҳалоллик тушунчаси ижтимоий-маънавий муносабатлар тизимидаги ахлоқий меъёрлар орасида энг зарурларидан ҳисобланади.

Ахлоқшунос олим Абдулла Шер ҳалоллик виждон, адолат ва бурч каби ахлоқшунослик мезоний тушунчалари билан боғлиқлиги, инсоннинг ўзгача муносабати ўзича муносабатидек соф, покиза бўлишини талаб қилидиган ахлоқий меъёр эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, ҳалоллик даставвал диний тушунча сифатида вужудга келиб, ҳар бир мусулмоннинг емак-ичмаги, жинсий ва иқтисодий хатти-ҳаракатлари сифатини белгилаб берувчи шаръий меъёр бўлиб амал қилган, унинг зидди-ҳаром диний нуқтаи – назардан салбий ҳисобланган хатти - ҳаракатларга нисбатан қўлланилган.¹

¹ Қаранг: Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. -Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010. – 114

Демакки, ҳар бир диний эътиқоднинг асосида ахлоқийлик ётади ва у кўп ҳолларда ибодатдан баланд қўйилган: солиҳ бандалар, «Қуръон»да айтилганидек, энг аввало гўзал ахлоқ эгаларидир. Шу боисдан кейинчалик ҳалоллик нисбатан тор шаръий қобикдан чиқиб, аста-секинлик билан шахс ҳаётидаги кенг камровли ахлоқий меъёрга айланди, теран маънавийлик касб этгани ҳолда, кундалик ҳаётдаги инсонийликни белгилайдиган умуминсоний фазилат бўлиб қолди. Масалан, ҳозирги кунда ихтисослашган меҳнат тақсмотининг такомиллашуви, илм-фан тараққиётининг юксалиши натижасида биз касбий ҳалоллик илмий ҳалоллик, иқтисодий ҳалоллик в.б. ҳақида гапиришимиз мумкин.

Маълумки, “ҳаром” моҳиятан ҳалолликнинг диалектик зидди ҳисобланади. Ҳан Шунинг учун ахлоқий муносабатлар тизимида ҳаромлик ёхуд нопокликнинг ҳалолликка нисбатан кам учрамаслиги доимо ахлоқшуносларни ташвишга солиб келган. Чунончи, Имом Ғаззолийнинг ҳаром ейиш ҳақида тўхталиб, мана бундай дейиши бежиз эмас: «... Хоҳи зулм билан олинган бўлсин (куч ишлатиб, ҳоинона ундириш ва босқинчилик-ўғрилиқ йўллари билан олиш); хоҳ завқ ва ўйин йўли билан олинсин (қимор ва шунга ўхшаш нарсалар билан бўлганидай); хоҳ ҳийла ва найранг йўллари билан олинсин (товламачилиқ ва алдамчилик, тарозидан уриш каби); ўз моли ва бойлигини ҳаром ишларга (ичкиликбозлик, қимор, фохишабозлик) харжлаши - ҳаммаси ҳаром ейишга киради»¹.

Ҳалолликнинг мавжудлиги фидоийлик ахлоқий тамойили ва ростгўйлик ахлоқий меъёри билан шартланади; доимо ҳалоллик қилиш ёки ҳалол яшаши учун киши албатта нималардандир кечиши, кимларгадир қарши бориши, фақат рост гапириши, сўз билан иш бирлигига эришиши керак. Шу боис ҳалол инсон жамоатчилик ўртасида обрўга эга, ҳурматга сазовор бўлади. Қайси жамиятда ҳалол фуқаролар кўпайса, ўша ерда бахт ва фаровонлик ҳукум суради.

б.

¹ Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб. –Тошкент: Адолат, 2002. – 336 б.

Дил, тил ва амал бирлиги масаласи ҳам ҳалоллик тушунчасида қамраб олинади. Дил, тил ва амал ўртасидаги ўзаро номувофиқлик XIX охири XX аср бошларида Европада кенг тарқалган нигилизм фалсафий таълимотини юзага келтирди ва бу жараён айна жараён танқидига қаратилган эди. Ҳозирги кунда давлатимиз миллий-маънавий қадриятларни тиклашни, одамларни ҳалол, инсофли, адолатли бўлишга чақириш жамият маънавий устуворлигининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Зеро, Президент Ислон Каримов нутқларидан бирини «Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин» деб, бошқа бир суҳбатини эса «Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин» деб атагани бежиз эмас; ҳозирда ҳалол, ростгўй, инсофли, фидойи инсонлардан иборат бўлган фуқаролар жамиятини куриш - фақат ахлоқий муаммо эмас, балки келажаги буюк давлатимизнинг моҳиятини англатувчи ижтимоий-сиёсий янгилашидир.

Ахлоқий меъёрлар ичида ростгўйлик ижтимоий муносабатлар тизимининг муҳим талаби ҳисобланади. Ростгўйлик ёки тўғри сўзлилик инсоннинг ҳақиқатга интилиши билан боғлиқ, ҳақиқат эса доимо мафкуравийлик ва тарихийлик-даврийликдан юқори туради.

Ҳақиқатнинг ифодавий шаклларида бири ростгўйликдир. Демак, ростгўйлик - инсоннинг кейинчалик касб этган табақавийлик, - сўз онгига, руҳига сингдирган, ижтимоий-ҳаётий, даврий-тажрибавий хусусият эмас, балки унинг моҳиятида берилган фазилят.

“Ростгўйлик” тушунчасининг мазмуни ҳақида илмий адабиётларда турлича талқинлар мавжуд. Жумладан, “Тарбия энциклопедияси”да ростгўйлик ҳақида қуйидаги мулоҳазалар баён этилган. “Масалан., яқинда тили чиққан ёш гўдакни олайлик. У нима десангиз ишонади, ўзи нимаики деса - рост гапиради («Алдагани бола яхши» деган мақолни эсланг). Гўдакнинг соддалигидан, ишонувчанлигидан, тўғрисини айтишидан биз-катталар куламмиз; лекин ҳақиқат устидан, ростгўйлик устидан кулаётганимизни ўйлаб ҳам кўрмаммиз. Гўдак каттариб, «ақли кириб» боргани сари атроф-муҳитда ёлгон мавжуд эканлигини, рост гапирса ё кулги

бўлиши, ё жазо олиши мумкинлигини англаб етади ва аста-секин ёлғонга ўргана бошлайди, дастлабки маиший ёлғон ижтимоий босқичга кўтарилди. Энди хусусий ёки гуруҳий манфаатдорликни таъминловчи ёлғон атрофдаги воқеликнинг ҳамроҳига айланади. Инсоннинг бу йўлдан фақат юксак маънавийлик, биринчи галда ахлоқий тарбия қутқаради. Эзгулик, номус, ор, кадр-қиммат, инсонпарварлик, ҳалоллик, инсоф нима эканини тушуниб етган кишигина ростгўй бўла олади.¹

Ростгўйлик ахлоқий ҳодиса, бироқ уни амалга ошириш осон кечадиган жараён эмас. У инсондан сабр-тоқат, матонат ва жасоратни талаб қилади, ростгўй инсон кўркувдан фориғ бўлади, ҳар қандай ҳолатда ҳам виждонига қарши бормайди: кимларнингдир кўзига қараб, яқинларини ёки ҳамкасабаларини хафа қилишдан, ўз моддий манфаатдорлигига зарар етказишдан чўчмайди. Тўғри, бундай муносабат туфайли ростгўй инсон азият чекиши, таъна-дашномларга қолиши мумкин. Лекин буларнинг ҳаммаси бир одамга ёки муайян гуруҳга воқеликни асл ҳолида етгазганлигидан, уларни нотўғри йўлга солиб юбормаганлигидан қалбда пайдо бўлган қониқиш ҳисси, хотиржамлик ва ором туфайли ювилиб кетади, ички бир қувонч унга баланд руҳ бағишлайди.

Ёлғонга келсак, уни кўпчилик донишмандлар энг катта ёвузликлар сирасига киритишган. Чунки ёлғончи кишилар бўлган ёки бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида нотўғри ахборот бериб одамларни адаштирадилар, ўзлари ҳам адашадилар. Кимнингдир ёки кимларнингдир ёлғони туфайли одамлар ишончга лойиқ нарсаларга ишониш, ишончсизликка созовор нарсаларга ишонмаслик имконидан маҳрум бўлдилар ва турмушда ҳатто ҳаёт-мамот масалаларида нотўғри қарорлар қабул қиладилар, бу нарса эса фожеага олиб келади. Ёлғончилик қилган одам ҳам «қуруқ» қолмайди, у ҳам ўз «фожеавий улуш»ига эга бўлади, унга бундан буён номуссиз, каззоб, ишониб бўлмайдиган одам сифатида муносабат қилинади, бу бир томондан, иккинчи томондан, ўзи ҳам зарар кўради. Бунга ўзбек халқ эртақларидан биридаги

¹ Тарбия энциклопедияси. Тошкент: Ўқитувчи, 2010. – 97 б.

икки марта ярим кечада «Уйим ёниб кетди!» деб ёлғондан фарёд кўтариб, хаммани - соғу касални, қарию ёшни оёққа турғизиб овора қилган, учинчи марта ҳақиқатдан ҳам уйига ўт тушганида кўтарилган дод – войга ҳеч ким эътибор қилмаган ёлғончининг қисмати мисол бўла олади. Ўз қишлоқдошларининг ишончини йўқотган эртак қаҳрамони фақат ўзгаларнигина эмас, ўзини ҳам алдади: учинчи чорловига ҳеч ким ёрдамга келмади, уйи таг-туғи билан ёниб кетди, бошпанасиз қолди. Ҳар қандай ёлғончининг пешонасида ана шундай «бошпанасиз» паноҳсиз қолиш қисмати бор. Зеро ҳар бир инсон учун ўзгаларнинг унга бўлган ишончи энг қоим паноҳдир; ўзгаларнинг ишончи инсоннинг ўзига ишончини шакллантиради ва мустаҳкамлайди.

Ахлоқ фалсафасининг навбатдаги меърий тушунчаси ҳаёлиликдир. Ҳаёлилик ахлоқий меъёрига тўхталишдан аввал ҳаё тушунчасининг мазмун моҳиятини изоҳла зарур. Ҳаё — муҳим ахлоқий меъёр, айти пайтда хулкий гўзалликнинг асосий белгиларидан бири. Ҳаё уят хисси билан ўхшаш бўлсада, аслида андиша ва ибоба якин фазилат тарзида намоён бўлади, у нафосат билан уйғунлашиб кетади.

Ҳаёнинг инсоний сифат тарзидаги мавжудлиги “ҳаёлилик” бўлиб, кишининг маънавиятли, маърифатли, номусли, очик, кўнгилли эканини англатади, унинг зидди — беҳаёлик (ҳаёсизлик) эса, аксинча, маънавиятсизлик, нопокликка мой-иллик, калби катгиклик, виждонсизлик каби иллатлар билан характерланади. Ҳозирги кунда турли цивилизацияларнинг ўзаро алоқалари, баъзан эса омукталашуви, урбанизация, модапарастлик сингари замонавий ижтимоий ҳодисалар Ҳаёлиликка маълум маънода салбий таъсир кўрсатаётир, айниқеа хотин-кизлар ва ёшларнинг ўзини тутишида, муома-ласида, кийинишида бу таъсирни яққол сезиш мумкин.

Оила ва мактабдаги тарбияда ҳаёли бўлишлик — хулкий гўзаллик, назокат экани, беҳаёлик — хулкий хунуклик ва кўполлик эканини уқтириш,

шахс эркинлиги доимо ўзгалар олдидаги масъулият билан боғлиқлигини тушунтириб бориш муҳим вазифалардан биридир.

Ҳаёлилик ахлоқий меъёр сифатида хулқий гўзалликнинг асосий белгиларидан ҳисобланади. У, гарчанд, бир қарашда, уят ҳисси билан ўхшаш бўлса-да, аслида ўзини кўпроқ андиша ва ибоба яқин фазилат тарзида намоён қилади, унда ахлоқий моҳият эстетик хусусият - нафосат билан уйғунлашиб кетади. Ҳаёдан одатда, инсон қизаради, бу қизариш, айниқса хотин-қизларда ички гўзалликнинг юзга тепчиб чиқишига сабаб бўлади ва алоҳида бир нафисликни, майинликни вужудга келтиради. Инсоннинг ўзи содир этган ёки бошқалар воситасида амалга оширилган ахлоқийликка зид хатти-ҳаракатлардан ноқулай вазиятга тушиши, ўнғайсизланиши, мулзам бўлиши уят ҳиссида ҳам мавжуд. Лекин бу ҳолатлар уятда ижтимоийлик касб этган бўлади, шу сабабли улар хатти-ҳаракат содир қилингандан сўнг ҳам давом этади ва кўп ҳолларда виждон азобига айланади. Ҳаётда эса мазкур ҳолатлар соф маънавий табиатга эга ва вақт доирасида чекланган бўлиб, улар хатти-ҳаракат содир этилаётган пайтдагина юзага чиқади.¹

Шарқ донишмандлари, хусусан, **Абу Лайс ас-Самарқандий, Ғаззолий, Навоий** каби алломалар, кейинроқ эса **Авлоний, Фитрат** сингари жадид мутафаккирлари, ҳаёни юксак ахлоқий қадрият сифатида олиб қараганлар, уни иккига - одамлар олдидаги ҳаёга ва Аллоҳ олдидаги ҳаёга ажратганлар ҳамда номуснинг бир кўриниши деб таърифлаганлар. Чунончи, «Ҳаё, - деб ёзади Абдулла Авлоний «Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ» асарида, – дилни равшан қиладурган бир нурдирки, инсон ҳар вақт шул маънавий нурнинг зиёсига муҳтождир... Иффатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир»².

Дарҳақиқат, ҳаёлилик кишининг маънавиятли, маърифатли, номусли, очиқ кўнгилли эканини англатади, унинг зидди беҳаёлик эса, аксинча, маънавиятсизлик, нопокликка мойиллик, қалбан қаттиқлик каби иллатлар билан характерланади.

¹ Тарбия энциклопедияси. Тошкент: Ўқитувчи. 2010. – 157 б.

² Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. Ж.2. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 35 б.

Бугунги кунда ҳаёлилик алоҳида аҳамиятга эга. Турли цивилизацияларнинг ўзаро алоқалари, баъзан эса омухталашуви, урбанизация, модапарастлик сингари замонавий ҳодисалар ўзбек оиласидаги анъанавий ҳаёлиликка маълум маънода салбий таъсир кўрсатаётир, айниқса хотин-қизлар ва ёшларнинг ўзини тутишида, муомаласида, кийинишида бу таъсирни яққол сезиш мумкин. Шу сабабли оиладаги ва мактабдаги тарбияда ҳаёлилик хулқий гўзаллик, назокат; беҳаёлик эса хулқий хунуклик ва кўполлик эканини уқдириш шахс эркинлигининг доимо ўзгалар олдида масъулият билан боғлиқлигини изчил равишда тушунтириб бориш муҳим вазифалардан бири.

Инсофлилик – ахлоқий меъёрлар орасида бошқарувчилик аҳамиятига эга. Бу тушунчанинг моҳиятида инсоф тушунчаси ётади. Инсоф - адолат ва виждон амри билан иш тутиш туйғуси; ишда, кишиларга муносабатда ҳалоллик, тўғрилиқни англатадиган тушунча. Инсофли одам олди-бердида ҳам доимо ҳалол, тўғри сўзли, тартиб-интизомли бўлади. Инсофли киши эзгулик, яхшилик, савоб ишга ташна бўлиб яшайди. Бировга яхшилик қилиш, мурувват ва саховат кўрсатиш, ўз ҳаракатидан маънавий баҳра олиш инсофли кишининг ҳаёт мезони.

Шуни таъкидлаш зарурки, инсоф кишининг муайян жамиятнинг ахлоқ, меъёри нуқтаи назаридан ўз хулқ, одобини назорат қилиш ва ахлоқий баҳолаши, шунингдек, ўз хулқ-атвори учун бошқалар олдида маънавий жавобгарлик хиссидир.¹ Шунингдек, муайян кишининг шахсий ёки ижтимоий хулқ - атворида учрайдиган ҳар қандай сохталик, мунофивликни жамоа инсофсизлик сифатида қаттиқ қоралайди. Одатда етарли таълим-тарбия кўрмаган, маърифатсиз, жоҳил одамлар ўртасида инсофсизлик ҳолати кўп учрайди. Шунинг учун ҳам ёшларда инсоф туйғусини таркиб топтириш катта ижтимоий аҳамиятга эга.

Фалсафа тарихида инсоф тушунчасининг турли талқинлари учрайди. Масалан, Афлотун уни адолат тушунчаси орқали очиб беради. Унинг

¹ Тарбия энциклопедияси. Тошкент: Ўқитувчи, 2010. – 258 б.

адолатни давлатга хос фазилат, деган фикрини келтириб ўтиш жоиз. Дарҳақиқат, адолат моҳиятан давлатнинг фуқарога, жамиятнинг шахсга нисбатан муносабати тарзида намоён бўлади. Борди-ю, ўзаро адолатли муносабатлар ҳақида гап кетса, унда одатда юксак мартабадаги тарихий шахснинг қуйи мартабадаги шахсга муносабати назарда тутилади. Инсоф эса ана шу адолатнинг тор қамровли хусусий кўриниши сифатида намоён бўлади. У фуқаролар, жамият аъзолари орасидаги ўзаро муносабатлар меъёридир.

Инсофлилик ҳам ҳалоллик каби виждон тушунчаси билан боғлиқ, маълум маънода ҳалолликка ўхшаб кетади. Лекин бу юзаки таассурот. Чунки ҳалоллик ўз ҳақи ва ҳаққини, яъни моддий ва маънавий ҳуқуқини ўзгаларнинг ҳақи ва ҳаққига хиёнат қилмаган ҳолда ажратиб яшашни англатади. Инсофлилик эса ижобийликда ҳалолликдан ҳам бир қадам олға ташланган ҳолатдир: унда киши ўз ҳалол ҳақи ва ҳаққидан ўзганинг ҳисобига кечади; «ўзга»нинг шароити ўзиникидан ниҳоятда оғир ва ёмон эканини ҳисобга олиб, ўз қонуний ҳақи ва ҳаққини ёки уларнинг бир қисмини ихтиёрий равишда ўзгага беради, мурувват кўрсатади.

Инсонфлилик борасида ахлоқшунос Абдулла Шер мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг бир хатти-ҳаракатини олиб таҳлил қилади. Яъни, мамлакатимиз раҳбари ҳорижда нашр этилган китобларидан бири учун 30.000 АҚШ доллари миқдорида берилган қалам ҳақини тўлалигича меҳрибонлик уйига ўтказди. Ваҳоланки, мазкур қалам ҳақи унинг ҳалол ақлий меҳнати туфайли ишлаб топилган маблағ, унга ҳеч кимнинг даъво қилишга ҳаққи йўқ. Лекин у, ўзи ва оиласининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи шу 30.000 долларсиз ҳам рисоладагидек бўлиши мумкинлигини, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва тарбиячиларининг шароити эса бу даражада эмаслигини ҳисобга олиб, мурувват кўрсатди: ўзи ёки авлоди учун ҳалол жамғарма тарзида олиб

кўйиши мумкин бўлган маблағдан, инсофлилик кўрсатиб, ихтиёрий тарзда кечди.¹

Бу ахлоқий хатти-ҳаракатнинг Президентлик ваколати доирасига мутлақо алоқаси йўқ; Ислом Каримов уни хусусий кимса, ахлоқли шахс сифатида амалга оширди. Ана шу инсоф юзасидан қилинган мурувват эса ҳалолликни яна бир поғона юксакка кўтарди. Қани энди ўзига тўқ одамлар, хусусан, ўрта ва қуйи бўғин раҳбарлари ана шу намунага иктидо қилсалар! Зеро, инсофлилик ва мурувватлилик ахлоқий меъёрлари жамият етиштирган моддий бойликларни унинг аъзолари ўртасида шахсий ташаббус асосида, оғриқсиз, ҳуқуқий ҳолатларни поймол қилмаган ҳолда қайта тақсимланишига, жамиятнинг янада фаровонлашувига ўзига хос ҳисса қўшади.

Шунингдек, хушфеъллилик, ширинсуханлилик, камтаринлик, босиқлик сингари ахлоқий хатти-ҳаракатлар меъёрийлик нуқтаи назаридан ғоят муҳим. Чунки ҳар бир жамият даражаси маълум маънода ундаги фуқаролар муомала маданиятининг юксаклиги билан ҳам белгиланади. Зеро, хушфеъл, ширинсухан инсон ўзининг ҳар бир муваффақиятсизлигига фожиа сифатида қарамайди, алам ёки ғазаб билан ёмон кайфиятини бошқаларга ўтказишга интилмайди; атрофдаги ахлоқий муҳитни бузмайди. Натижада ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам кўтаринки кайфият, турли-туман омадсизликларнинг ўткинчилигини англатувчи ҳаётбахш бир умид бағишлайди. Жамият доимо ўшандай одамларни ҳурмат қилади ва улардан ўрнатилган олишга интилади. Хушфеълликнинг асосий шарт сифатида хушмуомалалик кўрсатиб ўтилади.

Хушмуомалалик — теварак-атрофдагиларга доимо ҳурматли муносабатни ифодаловчи ахлоқий фазилат. Хушмуомалалик ўзаро муносабатлардаги сифатлардан энг кимматлисидир. У тарбия топган инсоннинг одоблилик, назокатлилик, илтифотлилик, меҳрибонлик, зийраклик каби хусусиятларга якин. Барча бу хусусиятлар хушмуомалалик билан бирга кишиларнинг бир-

¹ Қаранг: Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010. – 88 б.

бирига бўлган хурматининг асосини ташкил этади. Хушмуомалаликнинг зидди кўполлик, кўрслик, жиззакилик, баджаҳдлик, одобсизлик, манманлик. Хушмуомалалик туфайли кишиларга маъкул бўладиган соғлом мухит ҳосил бўлади (хусусан, оилада ҳам). Яхши хулкли киши ҳар доим шундай мухитни яра-тишга ҳаракат қилади.

Болаларнинг хушмуомалалиги оиладаги катталарнинг хушмуомалалиги натижасидир. Оила аъзоларининг бир-бирига бўлган яхши муомалалари, илтифотлиликлари, бир-бирларига гап қайтармасликлари, ёрдам беришга тайёр эканликлари, ширин суҳбат қуришлари болага Хушмуомалалик ҳиссини сезишга ёрдам беради, яъни кишиларга нисбатан бўладиган яхши муносабатдан крникишни билдиради. Аксинча, оғизда болаларни хушмуомала бўлишга чакириб, амалда бир-бирларига нисбатан одобсиз, кўпол муносабатда бўлган шахслар тескари натижага эришадилар. Хушфъллик камтаринликда ҳам ўзини намоён қилади¹.

Камтарлик — шахснинг кишиларга ва ўз-ўзига муносабатини ифодалашда, ўзига нисбатан ортиқча ҳурмат ёки алоҳида эътибор талаб қилмасликда намоён бўлувчи фазилат. Камтарнинг зидди — мактанчоклик, манманлик, кибру ҳавоилиқдир. Камтар кишилар билан яхши муомалада бўлиш-да, бошқаларга ҳурмат билан қарашда, ўзини бошқалардан устун қўймасликда, ўзининг муваффақияти билан мактанмасликда, ўз хатти-ҳаракати ва хулқига танқидий кўз би-лан қарашда кўринади. Камтар инсон унинг хизматига, ютуғига берилган ҳар қандай баҳр ёки мукофот нисбий эканлигини яхши тушунади. Шунинг учун мактовларга кеккайиб кетмайди, хушомадга учмайди. Камтар бўлиш — кишининг ўзига, ўз қобилиятига ва хулқ-атворида нисбатан талабчан бўлиш демакдир.

Камтар киши ўзининг шахсий хизматларидан кўра, ўз жамоаси эришган муваффақиятлар каттароқ аҳамиятга эга эканлигини тушунади. У ғурурланмайди, ўз хизматлари, қобилиятлари ва ўзининг бошқалардан устунлигини пеш қилмайди. Камтар киши ўз фикри ва маслагини зўрлаб

¹ Тарбия энциклопедияси. — Тошкент: Ўқитувчи, 2010. — 197 б.

ўтказишга уринмайди, балки бошқаларни ишонтириш йўллари ахтаради ва фақат шу тарзда мақсадга эришади. У бировларнинг камчиликларига катъиятлик билан ёндашади. Шу билан бирга уларнинг шаънига тегмаслик йўлини тутиб, хушмуомалалик қилади. У бировни хушомад қилиб мақтамайди, ўзи ҳам савлат тўкиб мақтанмайди. Камтарлик табиийлик билан узвий боғлиқ. Табиийлик, қанчалик ютуққа эришмасин, ўз қиёфасини, аслини сақлаб қолиш демакдир. Унга риёкорлик, сунъийлик, таннозлик, муғомбирлик хислатлари ёт.¹

Лекин Камтар, хокисорлик бобида меъёрни унутмаслик лозим. Ортиқча К. кишиларнинг ғашига тегаети, энг ёмони ундай кишиларни атрофдагилар ожизликка йўядилар, менсимай қўядилар.

Оилада ота-оналар ўзларининг камтарона юриш-туришлари билан болаларига ҳар жихатдан ибрат бўлиб, уларда Камтарликни ривожланишига кўмаклашадилар.

Умуман олганда хушфеъллилик, ширинсуханлилик қай даражададир кўпроқ ихтиёр билан, кишининг маълум бир инсоний табиатга интилиши билан боғлиқ бўлса, босиқлик, камтаринлик, камсуқумлик аксинча, кўпроқ ирода кучи натижасида юзага келаети. Зотан инсоннинг ўз ғазабини боса билиши, норозилигини барвақт билдирмаслиги; сўзлагиси, бирор-бир гап билан ўзини кўрсатгиси келиб қолганда ўша истакни тўхтата олиши кучли иродани талаб қилаети. Шу боис муомалада босиқ, камтарин, «етти ўлчаб бир кесиш» тамойили асосида иш кўрган шахслар оқил одамлар саналади ва улар жамиятда ҳам намунавийлик мақомига ноил бўладилар.

Айни пайтда баъзи бир одамлар гуруҳи учун меъёрга айланиб қолган иллатлар ҳам борки, улар ҳақида тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Улар ичидан энг кенг ёйилган, маълум маънода юқумли маънавий касалликка айланиб бораётган иккитасини — худбинлик ва шухратпарастликни кўриб чиқайлик.

¹ Тарбия энциклопедияси. — Тошкент: Ўқитувчи, 2010. — 57 б.

Худбинлик ўз индивидуал эҳтиёжларини ҳамма нарсдан юқори кўядиган ахлоқий сифат, иллатни англатувчи тушунча; бирор - бир инсоннинг моддий - маиший манфаатларининг бошқаларникидан устун кўйилишини билдирувчи манфаатпарастликдан ва ўз шахсини мутлақлаштиришига қаратилган шахсиятпарастликнинг баъзи унсурларидан иборат салбий хатти-ҳаракатлар мажмуъидир.

У шарқона жўмардлик ахлоқий тамойили ва инсофлилик меъърининг акси: агар жўмардлик, кўриб ўтганимиздек, бирор шахс, жамоа ёки жамият бахти, фаровонлиги йўлида кишининг ҳатто ўзига энг зарур бўлган нарсалардан ҳам воз кечишига тайёр туришини англатса, худбинлик ўз манфаатлари йўлида, ҳеч кимни, ҳеч бир жамоани, ҳеч қандай жамиятни тан олмайдиган салбий меъёр эгасининг бўртиб кўзга ташланадиган хусусияти.

Худбинликни инсон шахсининг ўзига бўлган муҳаббати билан чаплаштирмаслик лозим. Биз Имом Ғаззолий муҳаббатнинг беш тури ҳақида сўз юритиб, инсоннинг ўзига, ўзининг аъзоларига, саломатлигига бўлган муҳаббатини биринчи ўрнига қўйганини яхши биламиз. Унингча, бу муҳаббат Аллоҳ, ота-она, қариндош-уруғ, дўст-биродар, муҳтож-эҳтиёжмандлар хизматида бўлишга имкон яратувчи восита ҳисобланади. Худбинлик эса муҳаббат ҳиссига эмас, нафсга, ҳирсга, ружуга асосланади, ўзини адолатсизлик, инсофсизлик ва бераҳмлик хислатларида намоён этади. Тўғри, ҳамманинг ҳам қўлидан жўмардлик келавермайди, лекин инсоннинг ўзига бўлган муҳаббати, бошқаларнинг ҳам ўзига шундай муҳаббати борлигини инкор этмаслиги керак. Шу қоида бузилган жойдан худбинлик бошланади.

Худбинлик жиноят эмас, худбин одам қонунни бузмайди, аксинча доимо қонун олдида «тоза», «фақат қонуний ҳақи»ни қандай шароитда бўлмасин - бировларнинг фожеаси устидами, ўлими, - қатъи назар, ундириб олади, холос. Унинг ақидаси: «Гўзал бино қуласа-қулайверсин, мен ўзимга тегишли юзта ғиштни суғуриб олишим керак!»¹

¹ Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010. – 88 б.

Шуни афсус билан қайд этиш кераки, худбинлик устидами жамиятда кўпайиб борса-бораяптики, камаймаяпти. Чунки қонуннинг мустаҳкамланиб бориши худбин одамлар учун қулайлик туғдиради: улар қонуннинг руҳини - моҳиятини бир четга суриб қўйиб, унинг жумлаларидан - шаклидан фойдаланадилар. Аввалги, анъанавий урф-одатлар ҳукумрон даврларда худбин одам жазоланиши - бир четга чиқариб қўйилиши, жамоадан, маҳалладан ҳайдалиши мумкин эди. Эндиликда бундай муносабат эркин шахс ҳуқуқларини паймол қилиш, ноқонуний ёндашув деб ҳисобланади. Демак, худбинликни йўқотишнинг фақат бир йўли бор, у ҳам бўлса жамиятда ахлоқий тарбияни замонавий тарзда кенг жорий этиш.

Шунингдек, шуҳратпарастлик - шон-шуҳрат кетидан қувадиган ва бу йўлда ҳар қандай ахлоқсизликдан қайтмайдиган инсонлар тоифасининг хусусияти. Шуҳратпараст одам ўз номининг доимо атрофдагилар ва жамият диққат марказида туришига машҳурликка, шов-шувга, мақтовга ички бир тийиқсиз эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёж охир-оқибат уни жамиятнинг ахлоқий - ижтимоий талаблари билан ҳам, индивид сифатидаги ўз биологик ва маънавий-интеллектуал имкониятлари билан ҳам мутлақо ҳисоблашмайдиган ижтимоий нафс бандасига айлантириб қўяди.

Шуҳратпарастликнинг ахлоқий иллат сифатидаги хатарли томони шундаки, у равнақ топиб бориш хусусиятига эга: даставвал киши ўз «мен»ининг бошқа «мен»лардан кам бўлмаслигини талаб қилади, кейин аста-секин ўз «мен»ининг барча «мен»лардан баланд туришини хоҳлаб қолади ва нима қилиб бўлса ҳам шу хоҳишни амалга оширишга интилади. Натижада у мавжуд веқеликни, атрофдагиларнинг ўзига бўлган асл муносабатини реал баҳолай олмайди; қаерда уни «кўтар-кўтар» қилиб мақташса, ўша ерга ўзини уради, ҳаёт асл инсоний вазифасини бажаришдан чалғийди, тузатиб бўлмас хатоларга йўл қўяди.¹

¹ Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010. – 88 б.

Шухратпарастлик ҳам худди худбинлик каби замонавий жамиятда авж олган иллатлардан ҳисобланади. Агар худбинликнинг кенг ёйилишига маълум маънода шахс эркинлигининг қонуний муҳофазаси, баъзи, демократик тамойиллар йўл очиб берса, шухратпарастлик учун замонавий оммавий ахборот воситалари кўк чироқ вазифасини ўтайди: Нитцше айтганидек, ҳозирги пайтда ҳар қандай кичкинагина «мен», йўлини топиб, сахнадан, саҳифадан ёки экрандан ўзи ҳақида жаҳонга жар солиш ҳуқуқига ва имконига эга.

Матбуот ва сўз эркинлигидан «ўзига хос» фойдаланадиган, «машҳурлар» ҳақидаги шов-шувлар билан шуғулланадиган ўнлаб газеталар, кўрсатув ва эшиттиришлар шухратпарастларнинг ёмғирдан кейинги кўзикоринлардек пайдо бўлишини таъминламоқда. Мисол тариқасида кўпчилик омавий ахборот воситаларида аслида ҳорижий муаллифлар мусиқаларини, қўшиқларини ноқонуний ўзлаштиргани- ўғирлагани (плагиат) учун жазоланиши керак бўлган шухратпараст «санъаткорлар»нинг кўкларга кўтарилишини келтириш мумкин. Шухратпарастликнинг бундай кенг ёйилишига қарши фақат ахлоқий тарбия воситасида курашиш қийин, шу сабабли уларга нисбатан ахлоқий йўл билан бирга ички ва халқаро ҳуқуқ меъёрларидан ҳам унумли фойдаланган ҳолда курашиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, ахлоқий меъёрлар бир-бири билан шу даражада чамбарчаски, баъзан бирини иккинчисидан аниқ ажратиш қийин, зеро улар ҳулқ ва одоб доирасидаги ахлоқий ҳатти ҳаракатлардир.

1.2. Машҳур пандномаларда ахлоқий меъёрлар талқини

Ўрта асрлар мусулмон Шарқи минтақаси тафаккурида ахлоқнинг моҳиятини тушунтирувчи ва ахлоқийликни тарғиб этувчи машҳур пандномалар – халқ ичида кенг тарқалган бадий - дидактик асарлар ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди. Улар учун умумий бўлган хусусият, бу – ахлоқий

меъёрларни, тамойилларни, ахлоқий маданият омилларини кўпчиликка тушунарли, ранг-баранг шаклларда, қизиқарли ҳикоятлар орқали китобхонга етказиш бўлган. Шу жиҳатдан пандномалар асрлар мобайнида ахлоқий тарбиянинг ўзига хос шарқона воситаси сифатида хизмат қилиб келди ва ҳозир ҳам хизмат қилмоқда.

Уларнинг энг машҳурларидан бири тахминан III-IV асрларда яратилган кадимги ҳинд адабий - дидактик ёдгорлиги «Панчатантра»дир. У бизда «Калила ва Димна» номи билан машҳур, ўзбек тилига бир неча бор таржима қилинган. Асарни ўқиганда кўз олдимизда икки дунё намоён бўлади: бири - инсоф, адолат, диёнат, ҳалолликка суянган, ахлоқий меъёр ва фазилатларнинг тажассуми бўлмиш инсонлар дунёси, эзгулик олами, иккинчиси - ёлғонни, қаллобликни, мунофиқликни, худбинликни касб қилиб олган, иллатлар тажассуми бўлган одамлар дунёси, ёвузлик дунёси. Ана шу эзгулик ва ёвузлик орасидаги кураш асарнинг ўқ томирини ташкил этади. Унда ахлоқий меъёрларга амал қилиш асл бахт, уларнинг зиддига амал қилиш эса инсон учун ҳалокат гирдобини экани ажойиб ҳикоятларда, масалларда ўз аксини топади.

Мусулмон Шарқи минтақаси ахлоқий тафаккурида XI аср алоҳида диққатга сазовор. Унда икки буюк панднома яратилди. Бири туркий тилда – Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («Яхшилик келтирувчи билимлар»), иккинчиси форсийда – Кайковуснинг «Қобуснома» асари.

«Қутадғу билиг» 13000 мисрани ўз ичига олган ахлоққа, сиёсатшуносликка доир монументал асар. Уни туркий халқларнинг ахлоқий қомуси деб аташ мумкин. Китобда эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, олижаноблик ва тубанлик, ҳалоллик ва ҳаромлик сингари ахлоқий тушунча ва ахлоқий меъёрлар батафсил қаламга олинади. Уларнинг моҳияти образли, бадиий юксак мисраларда, шеърини ҳикматларда, мақолларда очиб берилади.

Юсуф Хос Ҳожиб таърифидаги эзгу одам шундайки, унинг барча қилмиши ва йўриқлари халққа фойда ва манфаат беради. Барчага бирдек яхшилик қилади, лекин эвазига улардан мукофот миннатини қилмайди. Эзгу

одам ўз манфаатини кўзламайди, бошқалар манфаатини ўйлайди, бошқаларга келтирган фойдасидан ўзига манфаат тиламайди. Буларнинг барчаси инсофлилик тушунчасида мужассмлашади.¹

XI асрда ёзилган махур пандномалардан яна бири Кайковуснинг “Қобуснома”сидир. У ўз асарида ахлоқийлик ҳақида гапириб, ахлоқийликка эришув икки хил – табиий - туғма ва тарбия орқали рўй беришини айтади. Шу билан бирга ахлоқий тарбия ҳар икки ҳолатда ҳам шарт эканини таъкидлайди. Кайковуснинг «Қобуснома» асарида ана шу жиҳатларга эътибор қилинади.

Айни пайтда, «Қобуснома» инсон ҳаёти ва фаолиятининг деярли барча томонларини қамраб олувчи ўғит - кўрсатмалардан иборатдир. Унда меҳмонга бориш, меҳмон кутиш, савдогарчилик одобларидан тортиб, чавгон ўйини - спортчи одобигача қаламга олинади. Бундан кўринадики, баодоблик ахлоқий меъёри Шарқда азал азалдан чуқур фалсафий таҳлил қилиб келинмоқда. У шунчаки, юриш туриш ўзини тутиш қоидалринигина эмас, чуқур фалсафий маъно касб этади.

Бугунги кунда кўплаб тилга олинаётган ҳамда одоб тушунчасининг замонавий талқини сифатида урғу берилаётган касбий одоб тушунчаси ҳам Шарқда ўз тарихий илдизларига эга бўлганлигини “Қобуснома” мисолида кўришимиз мумкин. Бундан ташқари ушбу асарда ҳаётнинг ҳар бир фаолияти жумладан меҳмон кутишдан тортиб дўст тутишгача ўз одоб қоидаларига эга эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади.

“Қобуснома” асарида ҳалоллик ахлоқий меъёри омонат сақлаш тушунчаси орқали туунтирилади. Унда айтилишича, ҳалолликнинг қисми бўлган омонатга хиёнат қилмаслик туйғуси, ахлоқий тубан кишиларда ҳам мавжуд бўлади. Фикримизнинг яққол далили сифатида “Қобуснома”да келтириб ўтилган қуйидаги ҳикоят ғоятда ибратлидир: “Мен шундок эшитибманки, бир киши кеча саҳар вақтида қоронғуда уйидин ташқари чиқди ва ҳаммомга бормоқ тилади. Ўз дўстларидин бирига деди: «Менинг била ҳаммомга

¹ Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. –Тошкент: Фан, 1990. – 67 б.

хамроҳ бўлиб боргил». Ул деди: «Сенга хамроҳлик қилурман ва лекин ҳаммомга кирмасман, нединким, менинг бир зарурий ишим бордур». Ул киши хамроҳи била ҳаммом томонга кетди. Икки йўлнинг айрилғон бошига бориб, ҳаммомга боргувчи кишига хабар қилмай изига қайтди ва ўзга йўлга равона бўлди. Иттифоқо, бир ўғри ҳаммомга боргувчининг изидин тушди. Лекин ул киши: «Изимдин кетатургон дўстимдур» - деб хаёл этди. Ул кишининг қўйнида юз тиллоси бор эрди. Ҳаммомнинг эшигида тиллони қўйнидин чиқариб, кеча қоронғусида танитай тиллони ўғрига берди ва деди: «Эй биродар, мен ҳаммомга кириб чиққунча бу зар сенда турсун, ҳаммомдин чиқсам менга топширгил». Ўғри зарни олиб, ул жойда ўлтурди. Ул киши ҳаммомдин чиқиб, либосларин кийиб йўлга равона бўлди. Ўғри унинг изидин чақириб деди: «Эй жувонмард, келгил ва мендан зарингни олгил. Бугун мен сенинг омонатингни сақлаб ўз ишимдин қолдим». Ул киши деди: «Сен кимдурсан, бу олтин қандай олтиндир?» Ўғри деди:

- Мен бир ўғридурман ва бу сенинг менга топширган зарингдур. Ул киши деди:

- Агар сен ўғри бўлсанг, нима учун зарни олиб кетмадинг?

Ўғри деди:

- Агар минг тилло булса ҳам сендин андиша қилмай олиб кетар эрдим. Лекин сен, бу зарни менга омонат топшурдинг. Омонатга хиёнат қилмоқ жувонмардликдин эрмасдур.¹

Одоб тушунчаси бошқа машҳур пандномаларда ҳам жуда чуқур назарий таҳлил қилиниб реал воқеликка мос тарзда ёритилган. Анашундай машҳур пандномалардан бири Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султония” номли асари бўлиб, унда одоб тушунчасининг ўзига хос талқинини кўриш мумкин.

Чунончи, асарнинг бешинчи бобидаги илк фаслида тариқатт ахлининг одоби ҳақида сўз юритилади. Унда айтиладики, улуғлар дарвешликнинг ҳар қандай кўриниши одобдир. Яъни, ҳар бир вақтнинг, ҳар бир ҳолатнинг, ҳар

¹ Кайковус Қобуснома Тошкент: Ўқитувчи, 1992. - 77 б.

бир мақомнинг ўз одоби бор. Шундай экан кимки одобни сақласа, мардлар мақомига ета олади.

Авваламбор тариқат ахли бу йўлга киргандан сўнг кўнглини ва етти аъзосини - кўз, кулоқ, тил, қорин, оғиз, қўл ва фарж (таносил аъзо)ни сақлаши лозим.

Кўнгилни сақлаш қуйидагилар орқали амалга оширилади: кўнгил маъсиятидан ҳазар қилмоқ, яъни Тангри Таоло амрига, шариатга ҳилоф ишлардан сақланмоқ, гуноҳдан парҳез қилмоқдир ва кўнгил маъсиятларининг асли ҳасад, такаббурлик, калондимоғлик, риё, ғафлат, бахиллик, хирс ва шунга ўхшаган ёмон иллатлардир. Яна шуки, кўнгил ойнасини пок тутмоқ зарур ва бу илохий хилватхонадаги хас-ҳашакни сафо супургиси билан тозалаб туриш лозим.

Дил уйин сафо супургиси ила супурмагунча,
Хазрати жонон жамоли унда жилва этмагай.

Асарда икки ҳил кўз одоби борлигига урғу берилади. Биринчидан кўзни тўрт нарса кўришдан сақлаш керак. Иккинчидан тўрт нарсани кўришга кўзни очиш керак. Агар кўз кўриши лозим бўлган тўрт нарса нима деб сўрасалар, айтгил: йўслни кўриб, кадамни кўйишни мулоҳаза қилиш учун аввал йўлга қараш керак. Иккинчидан, ер ва осмонга қараш керак... Учинчидан, ибратли нарсаларга кўзни очиб қараш керак, токи фойдали сабоқ бўлсин...

Кошифийга кўра кўз одоби бузилмслиги учун у ўзини қуйдагилардан сақламоғи даркор. Биринчидан, кўзни номахрамни кўришдан ман этмоқ керак. Чунки номахрамга назар шундай бир заҳарли ўқки, у қайси дилга бориб тегса, уни шайтон заҳри билан заҳарлайди ва хароб этади. Иккинчидан, кўзни шахват кўзғатувчи суратлардан асраш керак, аммо агар биров поклик юзасидан бошқа бировга ва ё яхши суратга қараса, бунда ҳеч зиён йўқдир...

Учинчидан, кўзни ўзгалар айбини кўришдан асраш керак, зеро бировлардан айб излаш энг ёмон хислатдир:

Ўзгалар айбига боқма, ўзинга боқ,
Кўзни ёқага беркит, дил шаъмини ёқ.

Тўртинчидан, кўзни бировга ҳақорат назари билан қарашдан асрагил. Ўзгаларни камситиш, мазах қилиш, ожизлар устидан кулишдан сақлан. Чунки ҳеч ким нуқсондан холи эмас. Қулоқ одоби эса уни уч нарсага очмоқ ва уч нарсдан сақламоқ билан белгиланади. Агар қулоқ эшитиши лозим бўлган уч нарса нима деб сўрасалар, айтгил... учинчидан машойихлар ва ҳиммат ахлининг сўзлари.

Қулоқни беркитиш керак бўлган нарсалар: аввал ботил ва бидъат сўзлардан, иккинчи беҳуда ва фойдасиз фахш сўзлардан, учинчидан ғийбат ва бўхтон сўзларни эшитишдан.¹

Шу тариқа Ҳусайн Воиз Кошифий ўзининг “Футувватномаи султония” асарида ҳар бир аъзонинг ўз одоби борлигини таъкидлаб уларнинг ҳар бири одоби ҳусусида батафсил тўхталиб ўтади.

Асарнинг қолган боб ва фаслларида ҳам бундай одоб ахлоқ қоидаларини жуда кўп учратиш мумкин ва ушбу қонун қоидалар ўз мазмун моҳиятига кўра ҳалоллик, ростгўйлик, ҳаёлилик, баодоблилиқ, инсофлилиқ каби ахлоқий меъёрларни ифода этади. Чунки Ҳусайн Воиз Кошифийнинг барча асарларида юксак ахлоқий қонун қоидалар тақдим қилинган албатта бу қонун қоидалар шарқона менталитетни ҳисобга олган ҳолда ёритиб берилган. Шунинг учун ҳам унинг асарлари асрлар давомида ўлмай ўз муҳлисларига эга бўлиб келмоқда.

Шарқона пандномаларнинг энг машҳури, шубҳасиз, Шайх Муслиҳиддин Саъдийнинг (1184 - 1292) «Ғулистон» асаридир. Жаҳонда бу асар таржима қилинмаган бирор - бир маданий тил бўлмаса керак. Ўзбек тилига у биринчи

¹ Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султония. - Тошкент: Шарқ, 2009.

марта буюк ўзбек мумтоз шоири Сайфи Саройи томонидан XIV асрда таржима қилинган.

Саъдий, биринчи навбатда, одамлар қиёфасидаги эзгулик ва ёвузликнинг ўзаро муносабатларини очиб беради. Оддий муомала одобидан тортиб, юксак ахлоқий меъёрларгача ана шу муносабатларни акс эттиришга хизмат қилади. Мутафаккир шоир инсон ахлоқийлигини, эзгуликни ўзгалар манфаатини ўз манфаатидан устун қўйишда, одамларга қайишишда кўради; илмий тил билан айтганда, Саъдий, инсон инсон учун восита эмас - мақсад, деган ғояни илгари суради. Ёвузликлар ичида у, айниқса, ёлғонни қаттиқ қоралайди: «Ёлғон гапирмоқ ҳам, - дейди шоир, - ханжар зарби кабидир: жароҳат тузалса-да, изи қолади».¹

Бундан ташқари, Саъдий кашф этган ҳикматлар ҳам ўзининг образлилиги, фалсафий қудрати ва назокати билан кишини ҳайратга солади. Зеро, «Гавҳар лойга тушса ҳам аввалгидек қимматбаҳо, чанг осмонга кўтарилганда ҳам қадрсиздир», «Оламда биринчи марта бармоғига узук таққан одам Жамшиддир. Ундан сўрадилар: «Нега ҳамма зебу зийнатни чап кўлингга бердинг, ваҳоланки, фазилат ўнг тарафдадир». Жамшид жавоб берди: «Ўнг кўлнинг - ўнг кўл эканининг ўзи буюк зийнатдир», деган ҳикматлари бугун ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмаган.

Ўрта асрлардан кейин ҳам пандномалар яратиш анъаналари давом этди. Лекин улар орасида машҳур бўлганлари кўп эмас. Ана шундай истиснолардан бири - ўзбек мумтоз шоири Гулханийнинг (XVIII аср иккинчи ярми – XIX аср бошлари) «Зарбулмасал» асари. У, аввало, ўзининг шаклий янгилиги билан ажралиб туради. Асар қолиплаш усулида ёзилган - катта масал-ҳикоя ичида масал-ҳикоятлар, улар ичида эса юзлаб ўзбек халқ мақоллари жой олган. Асарнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, унинг асосий қаҳрамонлари - ўз қиёфаларида ахлоқсизлик иллатларини мужассам этган салбий образлар. Гулханий бу иллатларни уларга юксак ахлоқий

¹ Саъдий. Гулистон.– Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – 176 б.

мезонлар нуқтаи назаридан қараб, ўқувчига тақдим этади. Ана шу усул билан инсонларни инсоф, адолат ва диёнатга, ҳалоллик ва софдилликка чорлайди.

Ўрта асрлар мусулмон Шарқи ахлоқий таълимотлари Қадимги дунё мумтоз ахлоқшунослигининг тадрижий ривож сифатида кейинги даврлар Оврўпа ахлоқ илми тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Шарқ алломалари илгари сурган ғоялар, ўртага ташлаган муаммолар Оврўпа ахлоқшунослигида янги қарашлар ва, ҳатто, оқимларнинг вужудга келишига туртки бўлди.

Оврўпа тарихида «Буюк таржималар даври» деб аталадиган XI-XIII асрларда нафақат Форобий, Ибн Сино, Ғаззолий, Ибн Рушд ва бошқа Шарқ алломалари китоблари, балки улар Оврўпага қайтадан кашф этиб берган Афлотун, Арасту сингари Қадимги Юнон мутафаккирларининг асарлари ҳам араб ва сурёний тилларидан лотинчага таржима қилинди, Ғарбнинг дастлабки университетларида ўқитилди. Зотан, Ҳегелнинг Ғаззолийни нозиктаб файласуф деб таърифлагани, Жалолиддин Румийга қойил қолгани, Э.Ренаннинг эса Юмни Ғаззолийнинг тақлидчиси деб атагани бежиз эмасди.¹

Шунингдек, Ибн Рушднинг моҳият билан мавжудлик муносабатларида яқка жавҳарлардаги (субстанциялардаги) мавжудлик моҳиятдан олдин келиши ва улар онтологик жиҳатдан яхлитликни ташкил этиши ҳақидаги ғояси кейинчалик Ғарбда катта амалий аҳамият касб этган – Оврўпа халқлари менталитетига сингиб кетган экзистенциячилик фалсафий-ахлоқий оқимининг пайдо бўлишига олиб келди ва ҳоказо.

Умуман, Ўрта асрлар Шарқ фалсафаси ахлоқшунослиги, нафосатшунослиги кейинги даврлар Оврўпа тафаккури тараққиётига шу қадар катта таъсир кўрсатдики, уни нафақат илм соҳасида, балки дин соҳасида - насронийликнинг инсонга янгича муносабатида ҳам кўриш мумкин. Бу ҳолатни буюк олмон лирик шоири, ўз даврида катта шов-шувларга сабаб бўлган «Олмониядаги дин ва фалсафа тарихига доир» деб аталган йирик фалсафий рисола муаллифи Ҳайнрих Ҳайне бир шеърда лўнда қилиб, шундай ифодалайди:

¹ Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010. – 229 б.

*Шу чўққида, жоним, қурайлик
Биз учинчи - янгича черков;
Сўнг янгича «Аҳд ул-жадид»дан
Оят куйлаб яшайлик икков.
Энди руҳнинг икки хил феъли
Ҳақидаги миш-мишлар битди.
Бу кунларда гуноҳдан чўчиб,
Танни қийнаш одати йитди.*

*Илғадингми, тангри саси бор
Бу кўпирган тубсиз қаър аро?
Кўряпсанми осмонда унинг
Минглаб шами сочмоқда зиё?*

*Бор мавжудот ичра тангри бор,
Тангри билан борлиқ гўзал, ҳур.
Тангри - зулмат, тангри - нур, ҳаёт,
Тангри - бизнинг бўсалар эрур.¹*

Бу шеърни ўқиган одам албатта, уни Шарқ мумтоз фалсафасидан хабардор одам ёзганини сезади, ҳатто мутасаввиф-файласуфларимизнинг, хусусан, Азизиддин Насафийнинг фикрлари буюк Оврўпа шоири сатрларидан ўзгаришсиз жой олганини ва бу фикрлар Оврўпа миллатлари табиатига нақадар сингишиб кетганини англайди.

Умуман олганда ўрта асрлар мусулмон шарқида ахлоқ масалалари хусусан, ахлоқий меъёрлар ва уларнинг шахс шаклланишидаги ҳамда ижтимоий регуляция жараёнидаги ўрни хусусида кўплаб муҳим фикрлар илгари сурилди. Машҳур пандномалар ушбу масалаларнинг ёритилишида муҳим рол ўйнади. Улар нафақат чуқур илмий фалсафий таҳлилга асосланган балки ўз ифода усулига кўра амалий асосларга ҳам эга ҳисобланади. Чунки маҳур пандномаларда мураккаб ахлоқий фалсафий тушунчалар, ахлоқий тамойил ва меъёрлар турли ибратли ҳикоятлар орқали ифода этилган. Бу эса пандномаларда илгари сурилган назарий фикрларнинг воқеликка айланишини бирмунча енгиллаштиради. Шу маънода ахлоқий меъёрларнинг назарий таҳлил этишда, ҳамда ёшлар тарбиясини ахлоқий меъёрлар асосида

¹ Heinrich Heine. Gedichte. Berlin und Weimar, Aufbau – Verlag, 1988. S. 229

шакллантиришда машхур пандномадардан кенг миқёсида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, мазкур бобни қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

Биринчидан, ахлоқий меъёрлар, ахлоқий тамойиллар билан узвий алоқадорликда намоён бўлиб ижтимоий тартиботни юзага келтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, ахлоқий меъёрлар инсон феноменини рўёбга чиқарувчи ҳамда уни бошқа мавжудодлардан фарқловчи омил саналади. Зеро, Жалолиддин Румий айтганидек фаришта ақли билан, хайвон ақлсизлиги билан жазодан қутилади. Инсон эса аросатда қолади, аниқроғи, унинг олдида танлаш имконияти пайдо бўлади. Ахлоқий меъёрларга амал қилиб мангу жаннат фароғатига эришиш ёки уларга амал қилмасдан дўзах азобида тўлғониш.

Учинчидан, машхур пандномаларда ахлоқий меъёрларнинг турли талқинлари учрайди. Бу талқинлар уларнинг турли қирраларини очиб беришга ҳизмат қилади. Шу маънода машхур пандномалар ахлоқий меъёрлар моҳиятига нисбатан кўп ёқлама плюралистик ҳамда комплекс системали ёндашувни юзага келтиради.

Тўртинчидан, машхур пандномаларда ахлоқий меъёрларнинг тарихий илдизлари чуқур фалсафий таҳил қилиш билан биргаликда, улар турли ибратли асосида тушунтириб берилган. Бу эса намунавий хусусият касб этиб ахлоқий меъёрларни ёшлар онгига сингдиришни янада енгиллаштиради.

2-БОБ. АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАРНИНГ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДАГИ АҲАМИЯТИ

2.1. Маънавий таҳдидларга қарши курашда ахлоқий меъёрлар устуворлиги

Бугунги кунда инсоният социумнинг барча соҳаларини қамраб олаётган, барча мамлакатлар амалда ягона бозорга бирлашуви ҳақидаги фикрлар олдинга сурилаётган, саноат ишлаб чиқариши кўп жиҳатдан трансмиллий корпорациялар назорати остида амалга оша бошлаган, интернет туфайли ҳар қандай янги ахборот (информация) сайёрамизнинг истаган жойига яшин тезлигида тарқалаётган, олимлар Ерда ягона цивилизация қарор топиши хусусида гапира бошлаган ва, А.Тойнбининг таъбири билан айтганда, инсоният, ”умумий уй”, “умумий тақдир» ва умумий ташвишлар билан яшашга киришаётган, бир сўз билан айтганда, “глобализация” (глобаллашув) деб аталаётган жараёнлар содир бўлаётган замонда яшамокда.¹

Шундай экан, маънавий таҳдидлар масаласи ҳам эндиликда нафақат миллийлик, балки глобаллик хусусиятини касб этади. Лекин, глобаллашув жараёни ҳозирча фақат қандайдир мавҳум ижобий жиҳатлари билангина эмас, балки кўпроқ «ҳозирги давр глобал муаммолари»ни келтириб чиқаргани ва, ҳатто “совуқ уруш билан алмашган” бошқа вариантдаги уруш экани алоҳида таъкидланмоқда.²

Кўпчилик мутафаккирлар эса бу даврни ҳатто глобал инқирозлар (кризислар) даври деб атамоқдалар. Жумладан, жамиятшунос С.И.Дудникнинг фикрига кўра “XX аср инқирозни кучли ҳис этиш билан бошланган эди ва у шу ҳиссиёт билан поёнига етди.”³

¹ Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 221 б.

² Қаранг: Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 12 б.

³ Дудник С. И. Парадигмы исторического мышления XX века: очерки по современной философии культуры. СПб.: Санкт-Петербургское философское общество, 2001. – 132 с.

Ҳозирги давр энг янги фани синергетика эса глобал инқирозни ҳолатини ифодалаш учун фанга махсус “глобал бифуркация нуқтаси” тушунчасини киритди, “ҳалокатлар назарияси” ишлаб чиқилди.

Биз ҳам юқоридаги мутафаккирлар фикрига қўшилар эканмиз, ишимизнинг мазкур қисмида диққатимизни глобаллашув туфайли юзага чиқаётган муаммоларга ва уларнинг туб асосини ташкил этган маънавий-ахлоқий муаммоларига қаратамиз.

Бундай муаммолардан бири глобал инқирозлар масаласидир. Ижтимоий-глобал инқирозлар айнан ахлоқий меъёрларнинг бузилиши натижасида юзага келмоқда. Ижтимоий кризисга мисол сифатида постсовет маконида бугунги кунда содир бўлаётган ҳодисалардан кичик бир лавҳасини кўриш мумкин. Кўчаларда тириклай чириб ва ўлиб кетаётган гадойларга, майиб-мажруҳларга, ўз ота-оналари томонидан тақдир ҳукмига топширилганларга, садақа сўраб юрган болаларга, фарзандлари томонидан ташлаб кетилган қарияларга, давлат ва жамиятдан ўз ҳақ ҳуқуқларини ундириб олишга уринаётган Чернобил ҳалокати оқибатларини бартараф қилиш учун сафарбар этилган кишиларга, ҳамма безътибор қарар эди, бу эса инсофлиликнинг моҳиятида ётувчи раҳмдиллилик, инсонпарварлик сифатларининг обрўсзанганлигидан далолат беради.

Бутун ижтимоий организмни бошқарув аппарати, ҳуқуқни ҳимоялаш ва куч ишлатиш структуралари билан биргаликда еб битиришга киришган коррупциянинг чекланмаган бебошлиги, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, эндиликда давлат даромад солиғи ундирилиши кўзда тутилаётган бузуқхоналар, табиий муҳит вайронгарчилигининг тобора кучайиб кетаётгани, нафақахўрларнинг қашшоқлиги, армиядаги “дедовщина” шармандагарчилиги, “скинхедлар” томонидан болаларнинг ўлгудек саваланишлари, жинояткор шахсларнинг террорчилик ишлари, Мамай кўрғонининг ахлатхонага айланиши... ва ҳоказолар ҳалоллик, ростгўйлик, ҳаёлилик каби ахлоқий меъёрларнинг бузилиб, очкўзлик, манфаатпарастлик,

худбинлик, шахватпарастлик каби салбий иллатларнинг авж олиши оқибатида юзага келмоқда.¹

Бу мисолни ҳозир Россияда сотилаётган ва безарар ичимликлардан ҳисобланган турли навли пиволарга бироз миқдорда марихуана ёки амфетамин қўшилаётгани каби биз билган ва билмаган яширин жиноятлар билан тўлдириш мумкин. Қолаверса, бизнинг ўз ҳудудимизда ҳам одамларни кул қилиб чет элларга сотиш, гиёҳвандлик ва унинг “бизнеси”, уюшган жиноятчилик, порахўрлик каби жиноий фактлар юзага чиқаётгани, авлодлар (боболар, ота-оналар ва фарзандлар), оила аъзолари орасида, келишмовчиликлар ва ажрашувлар, шунингдек, маҳаллийчилик мавжудлиги ҳам сир эмас.

Ушбу манзара постсовет даври кишисида жавобгарлик, масъулият ҳисси мутлақо қолмаганидан, унинг бузилган нафсини жиловлайдиган тизгин ҳам йўқолиб битаёзганидан, бу шароитда ким нима хоҳласа шуни қила бошлаганидан, бир сўз билан айтганда, одамлар ахлоқий инқирозни ҳам бошдан кечираётганларидан далолат беради.

Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир куролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар.

Бу ҳақда гапирганда мухтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида таъкидлаб ўтилган қуйдаги фикрни келтириш мумкин. “Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда

¹ Қаранг: Порус В.Н. Обжить катастрофу. Своевременные заметки о духовной культуре России // Вопросы философии. – Москва, 2005. - № 11. – С. 26- 27.

илғаб етиш ниҳоятда қийин”¹. Асарда ана шундай маънавий таҳдидлардан бири оммавий маданият эканлиги кўрсатиб ўтилади, моҳияти таҳлил қилинади, иллатлиги тушунтирилади.

Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий кадриятларни менсимасдан, эскилик саркити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда.

Масалан, XX асрнинг 20-30 йилларида ёзилган Г.Гессенинг “Чўл бўйиси” асари айнан “оммавий” ва “элитар” маданиятнинг ўзаро кураши ва бу курашнинг жамият ҳаётига, инсон психикасига кўрсатадиган салбий таъсири ва натижада келиб чиқадиган инсон ҳаётининг маъноси билан боғлиқ ахлоқий-меъёрий муаммоларга бағишланган. Бугунги кунда ҳам “оммавий маданият” ҳалқимизнинг узок йиллик тарихи, миллий минталлитетимиз, шунингдек, ҳалоллик, поклик, ҳаёлилик, ростгўйли, инсофлилик, камтаринлик, боодоблик каби ахлоқий меъёрларни ўзида акс эттирган бой маданий меъросимиз ўрнини эгаллага уринмоқда. Бугунги кунда ёшларимизнинг, айниқса, болаларнинг, юқорида айтилган ахлоқий меъёрларни тарғиб этувчи миллий эртақларимиз, дostonларимиз каби халқ оғзаки ижоди намуналари ўрнига худбинлик, эгоизм, беҳаёлик, очкўзлик, виждонсизлик, шахватпарастлик, ёлғончилик каби иллатлар таўвиқотига бағишланган оммавий маданият намуналари таъсирида улғайиш хавфи туғилмоқда.

Бундан ташқари баркамол шахс тарбиясининг асосий воситаларидан бири саналадиган маданият “товар” сифатида баҳоланмоқда. Маданиятдан фойда излаш бошланди, ҳамма нарса сотиладиган ва сотиб олинadиган ҳолатга келиб қолди. Инсоний ҳис-туйғулар оёқ ости қилиб ташланди. Кишиларни ҳайратлантириш учун ҳеч нарсадан тап тортилмайдиган

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. – 111 б.

ходисалар кундалик воқеаларга айланди. XX аср ўрталарига, айниқса, охирларига келиб турли маданий тадбирлар катта фойда келтирадиган воқеаларга айлантирилди. Миллионлаб инсонлар онгини бошқарадиган медиа магнатлар, аҳолининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий даражаларининг ўсишига эмас, балки ахлоқий тубанлашувига ва рухий эзилишига сабаб бўладиган фахш, зўравонлик, котиллик, уруш ва шунга ўхшаш воқеа ва ҳодисаларни кенг экранларга олиб чиқа бошладилар.

Таъкидлаш жоизки, тор доирадаги гуруҳлар манфаатига хизмат қилиб катта фойда келтирадиган кассабоп адабиёт, секс, парнография, мафия ҳаётини кўз-кўз қиладиган асарлар нафақат ўз юртларида, балки жаҳон бўйлаб кенг ёйилиб бориши учун маблағни аямай сафламоқдалар. Бундай маънавий ва маданий даражаси паст бўлган маҳсулотлар ғарб “эркин дунё ҳаётининг” ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи воқеликлар сифатида ёйилиб бораётганлиги бежиз эмас.

Бу каби салбий иллатлар, хусусан, худбинлик нафақат санъат асарлари ёхуд сиёсий мафкураларда, балки “катта давлатлар”нинг “кичик давлатлар”га амалий сиёсатида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Худбинликнинг дастлабки ижтимоий феномени нацизм, рацизм кабиларда кўзга ташланган бўлса, бугунги кунда “300 лар кенгаши”, “Олтин милиард” каби концепциялар орқали бунга глобал тус берилмоқда. Бу концепциялар нафақат худбинлик, балки нопоклик, ибосизлик, ёлғончилик, манфаатпарастлик сингари салбий иллатлар асосига қурилган. Жумладан, ўзларини мумтоз мамлакатлар санайдиган давлатлар ривожланаётган давлатларга беғараз ёрдам кўрсатиш ниқоби остида катта ёлғонни амалга оширмоқдалар.

Глобаллашув даврида маънавий таҳдидлар кўламининг кенгайиши ва уларнинг умумжаҳоний аҳамият касб этиши хусусида файласуф олима Ш.Б.Қаҳҳорова қатор маълумотларни тақдим этади. Олиманинг фикрига кўра, жаҳон ижтимоий сахнасида намоён бўлаётган ҳозирги ҳодисалар - ривожланган мамлакатлар етакчилигида олиб бораётган глобаллашув сиёсатининг ривожланаётган мамлакатларга етказаётган зарарлари, хусусан,

ёрдам бериш баҳонасида уларни товар ва ресурс бозорларини очишга мажбур қилиб, ўз бозорларини эса ёпиқ сақлашлари, умуман, жаҳон савдо тизимидаги барча адолатсизликлар ҳозирги глобаллашувнинг юқорида назарда тутилган юксак маънодаги глобаллашув эмаслигини, балки, аксинча - тор манфаатпарастлардан ташкил топган эгоэлитар гуруҳнинг бутун дунё бойлигига эга бўлишга интилиши йўлида дунё халқини энг бойлар ва энг қашшоқларга ажралиб кетишига олиб келаётган, қашшоқларга нисбатан “олтин миллиард” геноцид сиёсатининг юритилаётган, миллий ўзлик ўрнига халқаро зиддиятлар ва террорчилик олови ёндирилаётган ва шу каби кўплаб салбий ҳолларда юз очаетган ўта салбий жараён эканини кўрсатмоқда.¹

Миллий ғоя мазмун моҳияти ва тарғиботи асосини ҳам ахлоқий меъёрлар ташкил қилмоғи лозим. Шундагина, улар мамлакатимиз янги тараққиёт босқичига кўтаришининг янги концептуал ғояси сифатида миллий онг, миллий ўзликни англаш, миллий масъуллиқ, миллат тақдирига дахлдорлик глобаллашув тажоввузидан ҳалқимизни “ҳимоя” қилиш каби ўта муҳим маънавий-руҳий салоҳиятнинг мустаҳкамланишида ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган бўлур эди.

Ривожланган давлатлар ривожланаётган давлатларни доимо ўз таъсир доираларида ушлаб туришлари учун “оммавий маданият” намуналари орқали уларнинг ёшларига космополитизм руҳини сингдиришга интиладилар.

- Ахлоқий меъёрлар асосида шаклланган дунёқараш ҳар қандай ғайритабиий фикрларга муносиб жавоб беришни, ёт ва зарарли ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетни, турли ақидапарастлар билан асосли ва танқидий мунозара олиб боришни, ўз нуқтаи назарининг тўғрилигига ишонч-эътиқод туйғусини камол топтиришни тақозо этади. Бу ҳолат қуйидаги ахлоқий жиҳатларни талаб этади:

- Шарқ маънавияти ва Ғарб маданиятининг ижтимоий тараққиёти ўзига хос ахлоқий мазмунга эга эканлигини теран англаш;

¹ Қаҳҳорова Ш.Б. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2009. – 112 б.

- авлодлар томонидан яратилган маънавий-маданий мерос замонлар оша ворисийлик асосида умуминсоний ахлоқий қадриятга айланишига умид қилиш;

- Шарқ халақларининг ахлоқий тафаккуридаги меъёрлар асосида шаклланган дунёқараш Ғарбда кенг тарқалган индивидуализм, худбинлик, маргиналлашув, манфаатпарастлик каби салбий иллатлар келтириб чиқараётган маънавий таҳдидларга нисбатан муносиб жавоб бера олишини илмий жиҳатдан такоммиллаштириш;

- бугунги кунда Ғарбнинг бошидан кечираётган маънавий инқироз Шарқ маънавияти, ахлоқий меъёрларда назарда тутилган руҳий покланиш орқали амалга ошади. Бу жараёнда бевосита ҳалоллик, ҳаёлилик, ростгуйлик, жумартликнинг асосини ташкил қилувчи инсофлилик ўта муҳим ўрин касб этади.

Юқоридагиларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, глобаллашув шароитида ахлоқий меъёрларнинг регулятив зарурати янада ортади. Бу аввало кенг миқёсидаги тарғибот-ташвиқот ишларини талаб қилади. Ушбу масалани ҳал қилишда қуйдагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

1. Одамлар онги ва қалбида ҳалоллик, ҳаёлилик, ростгуйлик, баодобилик, инсофлилик, камтаринлик, хушмуомалалилик, ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини шакллантириш;

2. Ахлоқий меъёрларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиқ беришга йўналтирилган чуқур илмий фалсафий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда мавзуга оид давра суҳбат ва учрашувлар ташкил қилиш;

3. Ёшлар онгига ота-она, оила ва маҳалла, тарихий хотира, миллий ғурур, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни сингдириш, бу жараёнда болада ростгуйлик, каттага ҳурмат кичикка иззат, камтаринлик кабиларга катта аҳамият бериш;

4. Ахлоқий меъёрларни миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида тарғиб этиш;

5. Ахлоқий меъёрларни тадқиқ этишда миллий-маънавий меросимиз, жумладан шарқ ахлоқий тафаккурининг маҳсули саналган мавзуга оид манбалар, хусусан, Авесто, бобокалонларимиз қарашлари, машҳур пандномалар, ислом фалсафаси каби манбаларда ёритилган ибратли ғоялардан кенг фойдаланиш;

6. Ёшларда касби, маслаги ва эътиқодига содиқлик тушунчаларини ахлоқий меъёрлар асосида шакллантириш. Бунда хусусан меҳнат ҳақининг ҳалоллиги, касб одоби кабиларга алоҳид урғу бериш.

2.2. Ахлоқий меъёрларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти

Мамлакатимиз ижтимоий-маънавий ҳаётини тубдан яхшилаш, маданият, маърифат, ахлоқ билан боғлиқ муаммоларнинг илмий-назарий ечимини топиш масалалари бевосита ва билвосита тарбия жараёнларига, айниқса, ёшларни тарбиялаш ишларини такомиллаштиришга боғлиқ.

Ахлоқий тафаккур тарихидаги қарашларда ахлоқий меъёрларнинг асоси сифатида донолик, ҳикмат, ирфон муҳим ўрин эгаллаганлигини кузатиш мумкин. Сабаби, ҳикматсиз доноликсиз бирор илмга, бирор ижодга қўл уриш ёки унинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас.

Маълумки, Шарқ маънавияти Ғарб маданияти билан доимо ўзаро ҳамкорлик ва алоқалар асосида равнақ топган. Бу борада шарқшунос олима Фозила Сулаймонова ўзининг “Шарқ ва Ғарб” номли китобида қатор маълумотларни таҳлил қилади. Чунончи, “Ҳеч қачон, ҳеч қайси халқ, элат бошқа халқлардан узилиб қолган, ўз ҳолича яшаган эмас, бундай бўлса ҳеч қандай тараққиёт ҳам бўлмаган бўлар эди. Энг қадимий ва антик даврларда узоқ масафаларни босиб ўтиш анча мушкул бўлган, от-уловдан бошқа транспорт воситалари бўлмаган вақтларда ҳам аجدодларимиз Миср, Бобил, Марказий Греция, Юнонистон каби минтақалар билан алоқа қилганлар. Ипак

йўлининг кўп қисми мамлакатимиздан ўтиши ҳунармандчилик, савдо-сотиқни эрта ва кенг ривожланишига олиб келди. Аждодларимиз шунчалик ишчан ва уддабурон бўлганларки, Византия императорлари узоқ вақтларга қадар ўзларининг дипломатик ва молия ишларига самарқандликларни, умуман ватанимиз вакиллариини жалб этганлар¹. Мазкур мулоҳаза Шарқ қадимдан ҳикматлар хазинаси, жаҳон цивилизациясининг бешиги бўлганлигини исботлайди. У ўзининг айнан шундай ҳикматлар хазинаси бўлганлиги учун ҳам қадрлидир.

Малакавий битирув ишимизнинг аввалида айтилганидек, ахлоқий меъёрлар донолик, донишмандлик тушунчасини чуқур таҳлил қилгандагина ҳосил бўлади. Чунончи, доноликнинг муҳим мезони сифатида «ибрат» тушунчасига эътиборни қаратиш, унинг илғор ғояларидан биридир.

Гарчи «ибрат» мутасаввиф томонидан кўп маротаба қўлланган бўлса-да, улар бу тушунчани изоҳлашда диний қобикдан чиқиб кета олмадилар. Бу тушунчани таҳлил этганда нафақат диний, балки дунёвий жиҳатдан ёритиб, инсон эзгу-мақсадларининг рўёбга чиқишида унинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлигига эътибор бермоқ лозим. Зеро, Шарқ ахлоқий тафаккури ривожда муҳим ўрин тутган машҳур пандномалар ўзида айнан ибратлиликни акс эттиради. Уларда чуқур назарий концептуал аспект билан бир қаторда кенг халқ оммасига ҳам тушунарли бўлиши учун ибратли ҳикоялар мужассам этилган. Бу эса ахлоқий меъёрларнинг шахс маънавий камолотида муҳим рол ўйнайди. Ибрат тушунчаси шу маънода ахлоқий идеал шаклланишида алоҳида ўрин тутди. Қуш уясида кўрганини қилади деган эди доно халқимиз. Кишининг ахлоқий меъёрларга муносабати айнан унинг шахсияти шаклланаётган даврда ибратлиликнинг қай даражада қўлланганлигига боғлиқ.

Ёшлар тарбиясини мустаҳкамлашда айрим ахлоқий меъёрлар воқеликка муносабат шаклига кўра ахлоқий тамойил мақомига ҳам кўтарилади. Қуйида ана шулар ҳақида мулоҳаза қиламиз.

¹ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. –Тошкент: Шарқ, 1999. -4 б.

Ёшларни тарбиялашда меҳнатсеварлик муҳим аҳамият касб. Айтиш мумкинки, меҳнатсеварлик тарбия жараёни учун умумийлик характериға эға. Шунингдек, меҳнатсеварлик - ҳаётнинг мазмунини ифодаловчи муҳим ахлоқий қадриятдир. У инсоннинг одамийлик қиёфасини, туб моҳиятини ифодаловчи ахлоқий мезон бўлиб, фақат меҳнат орқали эришилган неъматгина инсонға роҳат бағишлайди.

Меҳнатсеварлик тушунчаси нафақат қадим-қадимда, балки бугунги кунда ҳам шахс маънавий баркамоллигининг ажралмас қисми саналади. Меҳнатсеварликнинг ахлоқий мазмуни шундаки, у боқимандалик кайфиятини бартараф этилишиға кўмаклашади. Бунинг учун юртимизда бу борада амалға оширилаётган хайрли ишларни ўзида акс эттирган мазмун моҳиятиға кўра ҳалоллик, меҳнатсеварлик каби ахлоқий меъёрларни ўзида мужассам этган санъат асарлари, жумладан, бадиий фильмларини яратиш мақсадға мувофиқ. Бу эса баркамол шахс қиёфасиға чизгилар берувчи замонамиз қаҳрамонлари образини юзаға келтиришда жуда муҳим. Меҳнатсеварлик меъёрининг бозор иқтисодиёти замонида аҳамияти янада ортади.

Бугунги кунда фаровонликка эришиш фақатгина тинимсиз ҳамда ҳалол меҳнат орқали амалға ошади. Инсоннинг асосий ахлоқий қиёфаси унинг ҳар қандай ишни хушфеъллилик билан амалға оширмоғини, ширинсуханлилик билан муомала қилмоғини, ҳар қандай ҳолатда ҳам камтаринлик ва босиқлик билан белгиланган вазифани бажармоғини тақазо этади. Шундай экан, ушбу ахлоқий хатти-ҳаракатлар меъёрийлик нуқтаи назаридан ғоят муҳимдир.

Жамият маънавий қиёфаси даражасини белгиловчи тарбия жараёни маълум маънода муомала маданиятининг юксаклиги билан ҳам белгиланади. Зеро, хушфеъл, ширинсухан инсон ўзининг ҳар бир муваффақиятсизлигиға фожиа сифатида қарамайди, алам ёки ғазаб билан ёмон кайфиятини бошқаларға ўтказишға интилмайди; атрофдаги ахлоқий муҳитни бузмайди. Натижада ўзига ҳам, ўзгаларға ҳам кўтаринки кайфият, турли-туман

омадсизликларнинг ўткинчилигини англаувчи ҳаётбахш бир умид бағишлайди. Жамият доимо ўшандай одамларни ҳурмат қилади ва улардан ўрнак олишга интилади. Хушфеъллик ва ширинсўзлик ана шу фаолиятнинг асосий мезонини ташкил этади.

Муомала маданиятига доир адабиётларда таъкидланишича, “шуни таъкидлаш керакки, ширинсўзлик фақатгина чиройли гап, эркин фикр билан белгиланмайди, ҳар қандай сиройли сўз ва эркин фикрда инсон зийнати намоён бўлавермайди. Гоҳида чиройли сўзларга ўратган ёлғонлар, эркин фикрга асосланган риёлар ҳам мавжудлигини унутмаслик зарур. Бу борада ахлоқшунослар Б.Хусанов ва В.Ғуломлар ширинсўзликнинг айрим шартларини таҳлил қилганлар. Булар:

1. Хуштабассум бўлиш лозим.
2. Сўзни обдон мушоҳада филиб, охирини ўйлаб, манмнликка берилмай фикр қилиб сўзлаш лозим.
3. Сўз қўллаш мақомини билмоқ лозим.
4. Ширинсўз масъулиятини англамоқ даркор.
5. Ширинсўзлик ва мулойимликнинг шартларидан бири – овозни пастлатиб, майин гапиришдир.
6. Сўз айтишдан аввал, ҳар дақиқада сўз ортидан келадиган оқибатни ўйлаш керак.¹

Хушфеъллилик, ширинсуханлилик қай даражададир кўпроқ ихтиёр билан, кишининг маълум бир инсоний табиатга интилиши билан боғлиқ бўлса, босиқлик, камтаринлик, камсуқумлик аксинча, кўпроқ ирода кучи натижасида юзага келади. Зотан инсоннинг ўз ғазабини боса билиши, норозилигини барвақт билдирмаслиги; сўзлагиси, бирор-бир гап билан ўзини кўрсатгиси келиб қолганда ўша истакни тўхтата олиши кучли иродани талаб қилади. Шу боис муомалада босиқ, камтарин, «етти ўлчаб бир кесиш» тамойили асосида иш кўрган шахслар оқил одамлар саналади ва улар жамиятда ҳам намунавийлик мақомига ноил бўладилар.

¹ Қаранг: Хусанов Б. Ғуломов В. Муомала маданияти. –Тошкент: Иқтисод-молия, 2010. – 94 б.

Айни пайтда, айрим одамлар учун ҳаётий аъмолга айланиб қолган иллатлар ҳам борки, улар ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Худбинлик ва шуҳратпарастлик – маънавий иллатларнинг дастлабки поғоналарида туради.

Ўз индивидуал эҳтиёжларини ҳамма нарсдан юқори қўядиган ахлоқий сифат, иллатни англатувчи тушунчалардир бири бу худбинликдир; бирор - бир инсоннинг моддий - маиший манфаатларининг бошқаларникидан устун қўйилишини билдирувчи манфаатпарастликдан ва ўз шахсини мутлақлаштиришига қаратилган шахсиятпарастликнинг баъзи унсурларидан иборат салбий хатти-ҳаракатлар мажмуъидир.

У шарқона жўмардлик ахлоқий тамойили ва инсофлилик меъёрининг акси: агар жўмардлик, кўриб ўтганимиздек, бирор шахс, жамоа ёки жамият бахти, фаровонлиги йўлида кишининг ҳатто ўзига энг зарур бўлган нарсалардан ҳам воз кечишига тайёр туришини англатса, худбинлик ўз манфаатлари йўлида, ҳеч кимни, ҳеч бир жамоани, ҳеч қандай жамиятни тан олмайдиган салбий меъёр эгасининг бўртиб кўзга ташланадиган хусусияти.¹

Худбинликни инсон шахсининг ўзига бўлган муҳаббати билан чалкаштирмаслик лозим. Биз Имом Ғаззолий муҳаббатнинг беш тури ҳақида сўз юритиб, инсоннинг ўзига, ўзининг аъзоларига, саломатлигига бўлган муҳаббатини биринчи ўрнига қўяди. Унингча, бу муҳаббат Аллоҳ, ота-она, қариндош-уруғ, дўст-биродар, муҳтож-эҳтиёжмандлар хизматида бўлишга имкон яратувчи восита ҳисобланади.² Худбинлик эса муҳаббат ҳиссига эмас, нафсга, ҳирсга, ружуга асосланади, ўзини адолатсизлик, инсофсизлик ва бераҳмлик хислатларида намоён этади. Тўғри, ҳамманинг ҳам қўлидан жўмардлик келавермайди, лекин инсоннинг ўзига бўлган муҳаббати, бошқаларнинг ҳам ўзига шундай муҳаббати борлигини инкор этмаслиги керак. Шу қоида бузилган жойдан худбинлик бошланади.

¹Қаранг: Абдулла Шер. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010. – 252 б.

²Абу Хамид ал-Ғазали. Воскрешение наук о вере. –Москва: Наука, 1987. – 65 с.

Худбинлик жиноят эмас, худбин одам қонунни бузмайди, аксинча доимо қонун олдида «тоза», «фақат қонуний ҳақи»ни қандай шароитда бўлмасин - бировларнинг фожеаси устидами, ўлими, - қатъи назар, ундириб олади, холос. Унинг ақидаси: «Гўзал бино қуласа-қулайверсин, мен ўзимга тегишли юзта ғиштни суғуриб олишим керак!»

Шуни афсус билан қайд этиш кераки, худбинлик устидами жамиятда кўпайиб борса-бораяптики, камаймаяпти. Чунки қонуннинг мустаҳкамланиб бориши худбин одамлар учун қулайлик туғдиради: улар қонуннинг руҳини - моҳиятини бир четга суриб қўйиб, унинг жумлаларидан - шаклидан фойдаланадилар. Аввалги, анъанавий урф-одатлар ҳуқумрон даврларда худбин одам жазоланиши - бир четга чиқариб қўйилиши, жамоадан, маҳалладан ҳайдалиши мумкин эди. Эндиликда бундай муносабат эркин шахс ҳуқуқларини паймол қилиш, ноқонуний ёндашув деб ҳисобланади. Демак, худбинликни йўқотишнинг фақат бир йўли бор, у ҳам бўлса жамиятда ахлоқий тарбияни замонавий тарзда кенг жорий этиш ва уни малиётга тадбиқ этиш орқали амалга ошади.

Шуҳратпарастлик эса, - шон-шуҳрат кетидан қувадиган ва бу йўлда ҳар қандай ахлоқсизликдан қайтмайдиган инсонлар тоифасининг хусусияти. Шуҳратпараст одам ўз номининг доимо атрофдагилар ва жамият диққат марказида туришига машҳурликка, шов-шувга, мақтовга ички бир тийиқсиз эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёж охир-оқибат уни жамиятнинг ахлоқий - ижтимоий талаблари билан ҳам, индивид сифатидаги ўз биологик ва маънавий-интеллектуал имкониятлари билан ҳам мутлақо ҳисоблашмайдиган ижтимоий нафс бандасига айлантириб қўяди.

Шуҳратпарастликнинг ахлоқий иллат сифатидаги хатарли томони шундаки, у равнақ топиб бориш хусусиятига эга: даставвал киши ўз «мен»ининг бошқа «мен»лардан кам бўлмаслигини талаб қилади, кейин аста-секин ўз «мен»ининг барча «мен»лардан баланд туришини хоҳлаб қолади ва нима қилиб бўлса ҳам шу хоҳишни амалга оширишга интилади. Натижада у мавжуд веқеликни, атрофдагиларнинг ўзига бўлган асл муносабатини реал

баҳолай олмайди; каерда уни «кўтар-кўтар» қилиб мақташса, ўша ерга ўзини уради, ҳаёт асл инсоний вазифасини бажаришдан чалғийди, тузатиб бўлмас хатоларга йўл қўяди.

Агар худбинликнинг кенг ёйилишига маълум маънода шахс эркинлигининг қонуний муҳофазаси, баъзи, демократик тамойиллар йўл очиб берса, шуҳратпарастлик учун замонавий оммавий ахборот воситалари кўк чироқ вазифасини ўтайди. Олмон файласуфи Фридрих Нитцше таъбири билан айтганда, ҳозирги пайтда ҳар қандай кичкинагина «мен», йўлини топиб, сахнадан, саҳифадан ёки экрандан ўзи ҳақида жаҳонга жар солиш ҳуқуқига ва имконига эга.¹

Матбуот ва сўз эркинлигидан «ўзига хос» фойдаланадиган, «машҳурлар» ҳақидаги шов-шувлар билан шуғулланадиган ўнлаб газеталар, кўрсатув ва эшиттиришлар шуҳратпарастларнинг ёмғирдан кейинги кўзиқоринлардек пайдо бўлишини таъминламоқда. Мисол тариқасида кўпчилик омавий ахборот воситаларида аслида ҳорижий муаллифлар мусиқаларини, қўшиқларини ноқонуний ўзлаштиргани- ўғирлагани (плагиат) учун жазоланиши керак бўлган шуҳратпараст «санъаткорлар»нинг кўкларга кўтарилишини келтириш мумкин. Шуҳратпарастликнинг бундай кенг ёйилишига қарши фақат ахлоқий тарбия воситасида курашиш қийин, шу сабабли уларга нисбатан ахлоқий йўл билан бирга ички ва халқаро ҳуқуқ меъёрларидан ҳам унумли фойдаланган ҳолда мақсадга мувофиқдир.

Ёшлар тарбиясида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш муҳим ахлоқий талаб ҳисобланади. Бунда ватанпарварлик тушунчаси муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, ватанпарварлик – туғилган тупроқ, яшаган макон, дунёга келтирган ота-она, тарбиялаган устозлар, буюк аجدодларимиз қолдирган бебаҳо моддий ва маънавий бойлигимиз, тинчимизни кўриқлаган давлатимиз, бахтли-саодатли яшаш учун ҳайрихоҳ бўлган халқимизни ҳурматлаш, қадрлаш ва севиш туйғусидир.

¹ Ницше Ф. Зардушт таваллоси. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – 76 б.

Умуман олганда, ёшларни меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва бошқа ахлоқий қадриятлар тўғрисидаги қимматли ва ибратомуз фикрлар, асрлар давомида кишиларни эзгуликка, хайрли ишлар қилишга, камтар ва софдил билим ва маърифатли бўлишга даъват этиб келган ғоялар асосида тарбиялаш ўзининг самарали натижасини беради. Айниқса, инсонпарварлик ва умуминсонийлик руҳи билан суғорилган ахлоқий қарашлари, шароитида амалга ошаётган маънавиятимиз ривожига, ёш авлодга хулқ-одоб қоидаларини сингдиришда, таълим-тарбия ва маърифий ишларда муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ахлоқий меъёрлар бири-иккинчисини тўлдиради улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланади. Бизнинг фикримизча, ахлоқий меъёрларининг эътиборга лойиқ томони яна шундаки, у ахлоқий қадриятларни ҳам диний, ҳам дунёвий нуқтаи назардан таҳлил қилади. Бугунги кунда ёш авлод тарбияси, маънавий-ахлоқий камолотида, фуқаролик жамиятини қарор топтиришда ахлоқий қадриятларнинг ўрни эътиборлидир.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз раҳбари томонидан йилларни маълум бир номлар билан аталиши анъанага айланиб бораётгани барчамизга маълум. Масалан, «Оила йили», «Аёллар йили» «Ҳомийлар ва шифокорлар», қолаверса жорий йилимизни «Мустаҳкам оила» йили деб аталиши ҳам бежиз эмас. Албатта, Ушбу номлар замирида фуқароларимизда бир-бирига меҳр-мухаббат, саховат, бағрикенглик каби фазилатларнинг янада камол топиши ахлоқ-одоб жабҳасида ўлмас ҳаётий тарихий тажриба эканлигидан далолатдир.

Юртимизда саховатли ишлари, меҳнатсеварлиги, илму тафаккури билан юртдошларимизга намуна бўладиган фуқароларимиз сонининг ошиб бораётгани, ўлмас маънавий меросимиз, ахлоқий қадриятларимизнинг ҳаётга жорий этилишининг юқори самарасидир десак, хато қилмаймиз. Бир сўз билан айтганда ахлоқий меъёрлар шарқда азал-азалдан баркамоллик меъзони сифатида талқин этилган. Бугунги кунда ҳам улар янги замонавий маъно касб

этган ҳолда ўзининг баркамол шахсни шакллантиришдаги ролини мустаҳкамламоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйдагича хулоса қилиш мумкин:

Биринчидан, бугунги кунда юзага келаётган турли ҳил глобал маънавий инқироз ва таҳдидлар ахлоқий меъёрларнинг бузилиши маҳсули ўлароқ намоён бўлмоқда. Натижада ҳалоллик, ҳаёлилик, инсофлилик, ростгўйлик каби юксак ахлоқий меъёрлар ўрнини худбинлик, манфаатпарастлик, шуҳратпарастлик каби иллатлар эгаллашга уринмоқда.

Иккинчидан, юқоридаги фикрларни ҳисобга олган ҳолда ахлоқий меъёрларнинг глобаллашув давридаги зарурати янада ортади. Уларни кенгроқ тадқиқ қилиш халқ ўртасида кўпроқ тарғиб ва ташвиқ қилиш орқали бундай инқирози ҳолларнинг олдини олиш мумкин.

Учинчидан, ахлоқий меъёрлар комилликнинг, хусусан, юксак маънавиятли баркамол шахсни тарбиялашнинг бирламчи омили сифатида намоён бўлади. Негаки, ахлоқий меъёрлар азал-азалдан баркамоллик меъзони сифатида таъкидлаб келинмоқда.

Тўртинчидан, буларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиз ёшларини ахлоқий меъёрлар асосида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ХУЛОСА

Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Шу маънода, малакавий битирув ишида, ахлоқий меъёрларнинг ўзига хос хусусиятлари ва Шарқнинг буюк мутафаккирлари қарашларида ахлоқий қадриятлар масаласи ҳамда инсон ва комил инсон муоммосини синчиклаб ўрганар эканмиз бу борадаги ахлоқий қарашлардан қуйидаги хулосага келиш мумкин:

Биринчидан, ҳалоллик, ростгўйлик, инсофлилик, хушфеъллилик, ширинсуханлик, камтаринлик ва босиқлик каби ахлоқий меъёрлар маданий тараққиёт ва маънавий тафаккур ривожига муҳим омил бўлган масалалар эканлиги ижтимоий ҳаётда амалий аҳамияти ғоят муҳимлигини назарий таҳлил этилди.

Иккинчидан, Шарқ алломалари фалсасфасида ва ахлоқий қарашларида илгари сурилган ахлоққа оид тушунчалар яхшилик, адолат, ишқ-муҳаббат, ва ахлоқий меъёрлар саналмиш ҳалоллик, ростгўйлик, инсофлилик, хушфеъллилик, ширинсуханлик, камтаринлик ва босиқлик, инсонпарварлик ва меҳнатсеварлик кабилар - миллий ва умуминсоний қадриятлар тизимининг ажралмас қисми нуқтайи назаридан тадқиқ этилди. Улар ахлоқий тафаккур тараққиёт тарихининг ёрқин намунаси бўлиб бугунги кун ёшлар тарбиясида жудаям муҳимдир.

Учинчидан, Ахлоқий меъёрлар, маънавий ахлоқий дунёқараш миллий истиқлол ғоясининг тарихий илдизи ва фалсафий асосларидан биридир.

Тўртинчидан, Ёшларни ҳар томонлама баркамол инсон этиб тарбиялаш ахлоқий меъёрлар ҳақидаги қарашларнинг бош мавзуси ва олий мақсади ҳисобланади.

Бешинчидан, инсоннинг ўзлигини англаши, ўзини бориша, ёки кўрсатгани каби бўлиши ёки бўлгани каби кўрсатиши инсоннинг камолоти йўлидаги дастлабки қадамдир.

Олтинчидан, инсоннинг жисмоний, ақлий ва руҳий моҳиятининг уйғунлиги, инсон камолотини таъминловчи асосий омиллардир. Чунки жисмонан соғлом бақувват, ақлан етук ва баркамол, мустақил дунёқарашга эга, ижтимоий муносабатларда фаол, шунингдек, маънавий-руҳий жиҳатдан камол топган, эътиқоди мустаҳкам, ёт ва бузғунчи ғояларга қарши туриб, инсоният тараққиёти, маънавий камолоти учун ўзини масъулиятли ҳис этиш, комил инсон қиёфасининг асосий намунаси саналади.

Ушбу назарий хулосалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги амалий тавсияларни бериш мумкин:

1. Одамлар онги ва қалбида ҳалоллик, ҳаёлилик, ростгўйлик, баодобилик, инсофлилик, камтаринлик, хушмуомалалилик, ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини шакллантириш;

2. Ахлоқий меъёрларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиқ беришга йўналтирилган чуқур илмий фалсафий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда мавзуга оид давра суҳбат ва учрашувлар ташкил қилиш;

3. Ёшлар онгига ота-она, оила ва маҳалла, тарихий хотира, миллий ғурур, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни сингдириш, бу жараёнда болада ростгўйлик, каттага ҳурмат кичикка иззат, камтаринлик кабиларга катта аҳамият бериш;

4. Ахлоқий меъёрларни миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида тарғиб этиш;

5. Ахлоқий меъёрларни тадқиқ этишда миллий-маънавий меросимиз, жумладан шарқ ахлоқий тафаккурининг маҳсули саналган мавзуга оид манбалар, хусусан, Авесто, бобокалонларимиз қарашлари, машҳур пандномалар, ислом фалсафаси каби манбаларда ёритилган ибратли ғоялардан кенг фойдаланиш;

6. Ёшларда касби, маслаги ва эътиқодига содиқлик тушунчаларини ахлоқий меъёрлар асосида шакллантириш. Бунда хусусан меҳнат ҳақининг ҳалоллиги, касб одоби кабиларга алоҳид урғу бериш.

Шундай экан, биз ушбу малакавий битирув иши орқали бугунги авлодларга ахлоқий меъёрларнинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини ва ёшларни ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишлари учун юқоридаги меъёрий тушунчалар нақадар зарурий омил эканлигини тушунтириш ва улар ўртасида доимий тарбиявий жараёнларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этишини англашмоғимиз лозим.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ:

Расмий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари:

1. Каримов И.А. Ҳалоллик – фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005.
3. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

2. Китоблар, рисолалар, тўпламлар:

1. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010.
2. Абу Наср Форобий. Фазилят, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Тошкент: Ёзувчи, 2001.
3. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 395 б.
4. Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб. –Тошкент: Адолат, 2002.
5. Абу Хамид ал-Газали. Воскрешение наук о вере. –Москва: Наука, 1987.

6. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. Ж.2. – Тошкент: Маънавият, 1998.
7. Арасту. Ахлоқи кабир. Поэтика. – Тошкент: Маънавият, 2005.
8. Дудник С. И. Парадигмы исторического мышления XX века: очерки по современной философии культуры. СПб.: Санкт-Петербургское философское общество, 2001.
9. Ёшлар муаммолари ва уларнинг ечими: ҳолат ва истикбол. II – республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 200 б.
10. Жакбаров М. Комил инсон ғояси: тарихий-фалсафий таҳлил. – Тошкент: Абу Али Ибн Сино, 2000.
11. Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. Т., Ўқитувчи, 1997.
12. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент: Маънавият, 2008.
13. Кайковус Қобуснома Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
14. Мадаева Ш.О. Миллий менталитет ва демократик тафаккур (XX аср сабоқлари ва XXI аср истикболлари). – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2007. – 127 б.
15. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни. – Тошкент: 2004.
16. Мухтаров А. Шахс тарбиясида миллий ғоя, эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлиги. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.
17. Ницше Ф. Зардушт таваллоси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007.
18. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008.
19. Саъдий. Гулистон. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.
20. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Шарқ, 1999.

21. Қаҳҳорова Ш.Б. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2009.
22. Фалсафа: қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2000.
23. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. –Тошкент: Фан, 1990.
24. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султония. –Тошкент: Шарқ, 2009.
25. Ҳусанов Б. Ғуломов В. Муомала маданияти. –Тошкент: Иқтисод-молия, 2010.

Хорижий адабиётлар:

1. Heinrich Heine. Gedichte. Berlin und Weimar, Aufbau – Verlag. 1988.

3. Журнал мақолалари:

1. Абдулла Шер. Тасаввуф, Ғаззолий ва ғўзаллик фалсафаси // Соғлом авлод учун. –Т ошкент, 2002. №2.
2. Порус В.Н. Обжить катастрофу. Своевременные заметки о духовной культуре России // Вопросы философии. –Москва, 2005. - № 11.